


# БЕОЗОР, МУЛОЙИМ БЎЛИНГИЗ



Ислол динимиз инсон хурматини, қадрини юқори кўтаради ва уни асрашни ўргатади. Динимизда буюрилган барча тоатлар инсон қадирни ҳимоя қилишга ва асрашга қаратилгандир. Бир неча ибодатнинг фарз бўлиши баъзи кишиларнинг моддий ва жисмоний ҳолатларига боғлиқ. Бунинг ҳикматларидан бири улар қадрини асрашдир.

Масалан, ҳаж ибодатини олайлик. У мавқеига муносиб тарзда сафар харажатларига етарли маблағи бор, сафар қийинчиликлари ҳолдан тойдириб қўймайдиган даражада соғлом кишиларга фарздир.



Ҳаж жамоат билан, турли ўлкалардан келувчи мусулмонлар бир жойда, барчанинг кўз ўнгида адо этадиган ибодатдир. Бу каби ўринларда ҳар бир мусулмон ўзи ҳақида, ватани ва халқи ҳақида, ташқи кўриниши, юриш-туриши, муомаласи билан яхши тасаввур қолдириши керак.

Динимизда мусулмонни ўз ташқи қиёфасини хушрўй ва хушбўй қилишга чорлашдан мақсад ҳам унинг ўзгалар олдида ҳурмати ва қадрини асрашдир. Фуқаҳолар эҳром либоси, оддий бўлишга қарамай, пок бўлиши, эҳром боғлашдан олдин гусл қилиш, хушбўйлик суриш, тирноқ ва мўйлабларни қисқартиш суннат эканини таъкидлаганлар.


Ҳаж ибодатида улкан жамоат ҳозир бўлади. Барча ҳолларда, хоссатан, ҳаж ва жамоат намозлари каби кўп кишилар ҳозир бўладиган ўринларда, инсон қадри паймол бўлмаслиги учун динимиз олдин келганларга биринчи бўлиш ҳуқуқини берган. Олдин келганларни, хоҳ намоз сафларида, хоҳ ҳаж арконларини адо этишда бўлсин, кечикиб келганларнинг итариб-суришлари озор етказиш бўлганидан ҳаром ҳисобланади.

Ибн Аббосдан (розийаллоху анху) бундай ривоят қилинади: “У арафа куни Расулulloҳ (солаллоху алайҳи ва саллам) билан қайтаётган эди. Расулulloҳ (алайҳиссалом) орқаларидан туяни уриб, қаттиқ бақираётган киши овозини эшитдилар ва уларга қамчинлари билан ишора қилиб: “Эй инсонлар! Беозор, мулойим бўлинг! Ибодат шошқалоқлик эмас!” дедилар (*Бухорий ривояти*).

Динимиз йўриқларидан яна бир ўнг томонни муқаддас қилишдир. Яъни, йўлнинг ўнг тарафидан юриш, масжид эшигининг ўнг томонидан кириш, ўнг томонидан чиқиш керак. Байтуллоҳни тавоф қилиш ўнгдан бошланади. Бунда Байтуллоҳ чап тарафда бўлади. Сафо ва Марва ўртасида ҳам ўнг томонда юрилади. Замзам булоғига кириш ва чиқиш ҳам ўнг то-

мондадир. Ана шунда бошқаларга ҳалал берилмайди, бировни ранжитмайсиз ва ўзингиз ҳам танбеҳ эшитиб ҳижолат бўлмайсиз.

Байтуллоҳни тавоф қилишда дуо ва зикрдан бошқа нарса



билан машғул бўлмаслик, ёндагиларга сўз ё ҳаракат билан озор етказмаслик, бирор нарса кўтариб олмаслик керак. Шунда ҳеч ким заҳмат кўрмайди.

Масжид намоз ўқиш учундир. Унинг ичига буюм қўйиб, бошқаларга жойини тор қилиш ярамайди. Йўл юриш учун. Уни бирор нарса билан банд қилиш мумкин эмас. Уни банд қилиш йўловчилар ҳаққини паймол қилишдир.

Мусулмон Расулulloҳ (солаллоху алайҳи ва саллам) тавсия этмаган бирор амални қилишдан тийилиши керак. Ҳажарул Асвадни ўпиш учун ўзгаларни туртиб-суриш динимизда ман қилинган. Агар ўзгаларга заҳмат етказмай ўпиш имкони бўлса, ўпилади. Акс ҳолда унга ишора қилиш кифоядир. Динимиз кўрсатмаси шундай.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН



# ТЎКИСЛИК ОМИЛИ

Аллоҳ таоло инсон ва жамият саодатига, осудалиги, фаровонлиги ва тараққиётига боис этган омиллардан бири тартибдир, тартибга риоя қилишдир.

Тартибга ҳар бир нарсани ўз ўрнига қўйиш деб таъриф берилган.

Инсон руҳониятида тартиб ўзгарса, ҳаёти издан чиқади.

Жисмониятидаги тартиб бузилса, инсон хасталанади.

Оилада тартиб бўлмаса, бузилишга юз тутади.

Жамиятда тартибга риоя қилинмаса, парокандалик содир бўлади.

Шунинг учун динимиз бизларга тартибни баён этиб, унга риоя қилишни буюрган. Тартибга риоя қилиш динимиз асосларидан биридир.

Маънавият нафсониятдан устун бўлиши керак. Бу улар орасидаги тартибдир. Бу тартиб ўзгарса, кишининг ахлоқи бузилади. **“Нафс хирсидан сақланганлар нажот топганлардир”** (Ҳашр, 9).

Оилада ота раҳбар ва ҳомий. Оила тартиби шундай. Ота-онасини ҳурмат қилмаган, уларга қулоқ солмаган фарзанд толеи ҳеч қачон баланд бўлмайди. Ҳадиси шарифда: “Ота-онага оқ бўлиш, уларни ҳурмат қилмаслик ҳалокатга етакловчи гуноҳдир”, дейилган (Бухорий).

Жамият низоми унинг тартибидир. Низомга риоя қилинмаса, раҳбарга итоат бўлмаса, жамият заифлашади. Инсонлар саодати жамият мустаҳкамлигига бевосита боғлиқ эканидан жаноби Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деганлар: “Ким раҳбарга бўйсунмай, жамиятдан айрилиб вафот этса, жоҳилият ўлимида ўлади” (Муслим).

Ахлоқимиз комил, оиламиз тўқис, жамиятимиз мустаҳкам ва кучли бўлиши учун тартибни билишимиз ва унга риоя қилишимиз зарур. Аллоҳ таоло барчаларимизни тартибга риоя этувчи бандаларидан қилсин. Омин.

## «HIDOYAT»

Ойлик диний-маърифий,  
илмий-адабий нашр

### Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

### Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

### Таҳрир ҳайъати

Усмонхон АЛИМОВ  
Абдулазиз МАНСУР  
Абдураззоқ ЮНУС  
Ортиқбек ЮСУПОВ  
Анвар ТУРСУН  
Неъматилла ИБРОҲИМОВ  
Аҳад ҲАСАНОВ  
Зоҳиджон ИСЛОМОВ  
Зоҳидилло МУНАВВАРОВ  
Баҳодир КАРИМОВ  
Нуриддин ҲОШИМОВ  
Муҳаммад Шариф ЖУМАН  
Юсуфжон ИСҲОҚ  
Эркин МАЛИК  
Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ  
Абдул Жалил ХУЖАМ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Аҳмад Муҳаммад ТУРСУН  
Муҳаммад Собит САЛОҲИДДИН

### Муқова

«Voris Design» маркази билан  
ҳамкорликда тайёрланди.

### Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

### Матни

Райҳона ХОЛБЕК қизи  
терди

### Тарғибот-ташвиқот марказлари:

Андижон вилояти — 8.374. 224-34-04  
Раҳбари Ўқтам ҳожи Умрзоқ  
Фарғона вилояти — 8.373. 222-12-38  
Раҳбари Салоҳиддин Нуриддин  
Сурхондарё вилояти — 8.376. 226-05-08  
Раҳбари Низомиддин Чори

### Манзилимиз:

700021 Тошкент шаҳри  
Шайхонтоҳур тумани Навоий кўчаси 46-уй;  
Тел: 149-18-26, тел.факс: 144-36-53.  
Интернет сайтимиз: [www.hidoyat.uz](http://www.hidoyat.uz)  
Интернет почтаимиз: [hidoyat\\_jurnali@mail.uz](mailto:hidoyat_jurnali@mail.uz)  
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 170.

Босишга 2006 йил 21 ноябрда рухсат берилди. Босмаҳонага 2006 йил 23 ноябрда топширилди. Қоғоз бичими 84x108<sup>1/16</sup>. Адади 15000 нусха. 223-сон буюртма. «КОНИ NUR» МЧЖда босилди.

Мақолалар хат орқали юборилганида исмлар тўлиқ ёзилиши, манзил аниқ кўрсатилиши шарт.

## МУНДАРИЖА

<b>Бугуннинг гапи</b>	
Муҳаммад Шариф ЖУМАН	
Беозор, мулойим бўлингиз .....	1
<b>Таянч нуқта</b>	
Тўқислик омили .....	2
<b>Бир оят шарҳи</b>	
Узоқ йўллардан келурлар .....	6
Абдуқодир ҳожи МУРОДОВ	
Сабрининг мукофоти .....	7
<b>Амри маъруф</b>	
Аҳмад МУҲАММАД	
Масжид одоблари .....	8
<b>Амри маъруф</b>	
Ортиқали БЕҲУТОВ	
Кечиримли бўлайлик .....	9
<b>ЎМИ ҳаёти</b>	
Навбатдаги йиғилиш	
Эътибор кўрсатилди .....	10
<b>Мужда</b>	
Фуқаролар йиғини гавжум	
Инсон савдосига қарши	
Тарихнинг фожиали саҳифалари .....	11
<b>Ҳожилар ҳаж ҳақида</b>	
Эшқобил ШУКУР	
Кўнгилни покловчи ибодат .....	11
<b>Масжидларимиз</b>	
Ҳорунхон ҳожи АЮБХОН ўғли	
Икки юз ёшли жомеъ .....	13
<b>Муносабат</b>	
Муҳсин ВАЛИХОНОВ	
Ҳақиқатга яқин бориш .....	14
<b>Олисларга саёҳат</b>	
Аҳмад ТУРСУН	
Сингапур Республикаси .....	16
<b>Амри маъруф</b>	
Фозил ЗОҲИД	
Марҳабо, муҳтарам ҳожилар .....	18
<b>Ҳожилар ҳаж ҳақида</b>	
Мавжуда ОДИЛБЕК қизи	
Ҳар бир лаҳза ғанимат .....	23
<b>Шеърят</b>	
Исмоил Маҳмуд МАРФИЛОНИЙ	
Файзиёб бўлгай кўнгил .....	24
Асрор МҮМИН	
Исмингни айтиш бахти .....	25
<b>Мактубларда манзаралар</b>	
МАЛОҲАТ	
Мени кечиринг .....	26
Суюндик МУСТАФОЕВ	
Ёмон гапнинг офати .....	27
<b>Митти тадқиқот</b>	
Бадриддин РАҲИМОВ	
Хожаи Омон .....	29
<b>Тарих</b>	
Абдуқаюм АЗИМОВ	
«Азҳар» тарихида муҳим давр .....	30
<b>Тиббиёт бурчаги</b>	
Сафар МУҲАММАД	
Дўлана хосиятлари .....	32

## Маълумотхона

Муҳаммад Илёс АБДУЛҒАНИ

ЕР МАРКАЗИДАГИ ТИНЧ  
ВА ОСОЙИШТА ШАҲАР

Макканинг пасттекис минтақалари “Батҳо” деб номланади. Масжидул Ҳаромнинг шарқи “Муалло” деб аталади. Ундан ғарбга ва жанубга чўзилган жойлар номи “Мисфала”дир. Расулуллоҳ (соллаллоху алайҳи васаллам) Муаллода туғилганлар

4

## Ҳадис шарҳи

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

## ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР КАЛИТИ

12

Мусулмонларнинг фарз амалларга бепарволик қилиб, нафл ё мустаҳаб ишларга кўп аҳамият бериши ақлдан эмас.



## Хабарлар

## ИСЛОМ ВА ОЛАМ

## Лондонда энг катта масжид

Буюк Британия мусулмонлари жамоаси Лондон шимолида биратўла қирқ минг намозхонни сиғдирадиган масжид қуришни режаламокда. Шу мақсадда 2012 йили ўтадиган олимпиада ўйинлари қароргоҳига яқин жойдан ер майдони сотиб олинди.

20

## Митти тадқиқот

Лола АСРОРОВА

## «ҲАЙРАТУЛ ФУҚАҲО»

28

“Ҳайратул фуқаҳо ва хижлатул фузало” асарида икки ярим минг фикҳий масала ўрганилган. Масалалар савол-жавоб тарзида берилган. Асарни ёзишда юздан ортиқ манбадан фойдаланилган.



*Шу кунларда бутун Ислом оламида ҳаж мавсумига тайёргарлик ишлари қизғин. Муборак ҳаж сафарига отланиб турган юртдошларимиз ҳам ҳадемай «Ўзбекистон ҳаво йўллари»га қарашли учоқларга ўтириб, Саудия Арабистони томон йўл олишади. Шу боис, журналимизнинг ушбу сонидида Маккаи мукаррама, Масжидул Ҳаром ҳақидаги энг муҳим маълумотларни мухтасар шаклда эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

### **Маккаи мукаррама жойлашган ўрин**

Маккаи мукаррама Саудия Арабистонида, мамлакат худудининг ғарбий қисмида — Ҳижоз ерларида жойлашган.

баб — у ерда одамларнинг издиҳом қилиб тўпланишидир. Макка мутакаббирларнинг гурурини пасайтиради.

3. Уммул қуро.

“Қишлоқлар онаси” демак-

дай дин ёки мазҳабда бўлганидан қатъи назар, тинч-осойишта бўлиб келган. У ерда фақат эҳромдагина кирилган. Агар бирор хавф етгудек бўлса, ўша тинч жойга қочиб киришган. Бу

# ЕР МАРКАЗИДАГИ ТИНЧ

Атрофи тоғлар билан ўралган. Макканинг пасттекис минтақалари “Батҳо” деб номланади. Масжидул Ҳаромнинг шарқи “Муалло” деб аталади. Ундан ғарбга ва жанубга чўзилган жойлар номи “Мисфала”дир. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи васаллам) Муаллода туғилганлар ва ҳижрат қилгунларича у ерда яшаганлар. Макка фатҳи асносида ҳам шаҳарга ўша томондан кирганлар.

Маккаи мукаррамага учта асосий кириш йўли бор: Муалло, Мисфала ва Шабина. Макка шаҳри энига 19 даража шимолда ва узунликда 46 даража шарқда, денгиз сатҳидан 300 метр баландликда жойлашган.

### **Макканинг Қуръони каримда келган исмлари**

#### **1. Макка.**

“Макка” сўзининг луғавий маъноси «ҳалок этди, ноқис қилди» деганидир. Яъни, у зўравонларни ҳалок қилади, гурурларини кетказди.

#### **2. Бакка.**

“Бакка” сўзининг луғавий маъноси “бузиш, ажратиш, беқор қилиш, ифтихорни рад қилиш, пасайтириш, бўйсундириш” деганидир. Макканинг “Бакка” деб номланишига са-

дир. Макка қуруқ ернинг маркази ҳамда ер қураси сатҳидаги барча шаҳарлардан намоз учун юзланиладиган томондир.

Илмий фалакиёт тадқиқотлари Маккаи мукаррама кўксига бино этилган Каъба Ернинг марказида эканини исботлаган.

4. Балад (Шаҳар).

«Иброҳим айтган эди: “Парвардигорим, бу шаҳарни (яъни, Маккани) тинч шаҳар қилгин”» (Иброҳим, 35).

5. Баладул амин (Тинч шаҳар).

«Мана шу тинч-осойишта шаҳарга қасамки...» (Тийн, 3). Ибн Жавзий: «Бундаги шаҳар Маккаи мукаррамадир. Жоҳилиятда ҳам, Исломда ҳам қўрқоқлар бу шаҳарда омон юришган», деганлар.

6. Балда (Шаҳар).

«(Эй Муҳаммад! Уларга) айтинг: “Мен фақат мана шу шаҳарнинг Парвардигоригагина ибодат қилишга буюрилганман”» (Намл, 91).

Ибн Жавзий: «У Макка шаҳри», деб айтганлар.

7. Ҳарамун аминун.

«Ахир, Биз уларга тинч-осойишта ҳарамни макон қилиб бермадикми?» (Қасос, 57).

Ҳақиқатдан ҳам Маккаи мукаррама тарих мобайнида, қан-

осойишталик нафақат инсон, балки ҳайвонот ва набототни ҳам ўз ичига олган. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бу ҳақда: «Албатта, бу шаҳар еру осмон яратилганидан бери Аллоҳ у ерда (ҳайвон овлашни, ўсимликни пайҳон этишни) ҳаром қилган», деганлар. То қиёмат кунигача Аллоҳ ҳаром этгани сабабли у ерда бирор тиканни узиш ёки овни ҳайдаб кетиш ҳаромдир.

8. Водин ғойри зи заръин (Экин ўсмайдиган водий).

«Парвардигоро, албатта, мен зурриётимдан (бир бўлагини — ўғлим Исмоил ва унинг онаси Ҳожарни) Сенинг ҳурматли Байтинг ҳузурдаги экин ўсмайдиган бир водийга жойлаштирдим» (Иброҳим, 37).

Ибн Жавзий айтишларича, «экин ўсмайдиган водий» Макка шаҳри бўлиб, у ерда илгари экин ҳам ўсмаган, сув ҳам бўлмаган.

9. Маъод (Қайтадиган жой).

«(Эй Муҳаммад), албатта сизга (ушбу) Қуръонни фарз қилган Зот шак-шубҳасиз сизни бир қайтадиган жойга қайтарувчидир» (Қасос, 85).

Ибн Аббос айтадилар: «Яъни, сизни Маккага албатта қайтарувчидир».



### Маккаи мукаррама ҳарами

Макка атрофи ўралган жойларнинг ҳукми Макка ҳукмидадир. Жаброил (алайҳиссалом) Иброҳимга (алайҳиссалом) ҳарам ҳудудида тош ўрнатишни буюрдилар. Иброҳим (алайҳиссалом) уни ўрнатдилар. Мана

шиб қолган нарса танишиники бўлса, етказиш мақсадида олса бўлади» (Имом Муслим ривояти, 1353-ҳадис).

Саид ибн Мусаййаб: «Менга етиб келдики, Макка аҳли ҳаром қилинган нарсани ҳалол қилиб олишмагунича ҳалок бўлишмайди» («Ахбор Макка лилфақиҳий», 1501, санади ҳасан). Мужоҳид ҳарамнинг одоблари ҳақида гапириб: «Агар Ҳарамга кирсанг, бирор кишини итариб юборма, бирор кишига озор берма ва бирор кишини сиқиб чиқарма», дедилар. Масжидул Ҳаром билан ҳарамнинг баъзи ҳудудлари ора-

## ВА ОСОЙИШТА ШАҲАР

### 10. Қаря (Қишлоқ).

«(Эй Муҳаммад), сизни ҳайдаб чиқарган қишлоқдан кўра (аҳолиси) кучли-қувватлироқ бўлган қанчадан-қанча қишлоқни ҳалок қилганимиз» (Муҳаммад, 13).

Ибн Жавзий: «Қишлоқдан мурод Макка шаҳридир», деган.

### 11. Масжидул Ҳаром.

У тўрт хил маънода келади:

а) Каъба

«Юзингизни Масжидул Ҳаром томонга буринг» (Бақара, 144).

б) Каъба ва унинг атрофидаги масжид

«Ўз бандаси (Муҳаммадни (алайҳиссалом) Масжидул Ҳаромдан Масжидул Ақсога сайр қилдирган (Аллоҳ) барча айб-нуқсондан пок Зотдир» (Исро, 1).

в) Макканинг ҳамма жойи

«Албатта, сизлар Масжидул Ҳаромга тинч-омон кирурсизлар» (Фатҳ, 27).

Қатода: «Масжидул Ҳаром Маккадир», дедилар.

г) Ҳарамнинг ҳамма жойи;

«Ҳеч шак-шубҳасиз, мушриклар нопок кимсалардир, бу йилдан сўнг Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар» (Табба, 28).

Ибн Аббос билан Ато: «У Ҳарамнинг ҳамма еридир», дейишган.

шу тош ҳарамнинг илк чегараси эди. Макка фатҳидан кейин Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Тамим ибн Асад Ҳузоъийни юбориб, уни янгилашди.

Ҳарам ҳудудини ўраб турган чизиқнинг узунлиги 127 км, ҳарамнинг ҳудуди 550 км<sup>2</sup>. Аллоҳ таоло мана шу доиранинг ичини одамлар йиғиладиган, омонлик ери қилди.

Аллоҳ таоло бу ҳақда: «Ким у жойда (яъни, Масжидул Ҳаромда зулм-зўравонлик билан йўлдан чиқмоқчи бўлса, аламли азобдан тотдириб кўюрмиз)» (Ҳаж 25).

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Макка фатҳ бўлган куни: «Еру осмон яратилган кундан бери Аллоҳ бу шаҳарда ўсимлик узиш, ҳайвон овлашни ва бошқа турли ёмон ишларни ҳаром қилган. Аллоҳ ҳаром қилгани сабабли бу ишлар то қиёмат кунигача ҳаромдир. Мендан олдин бирор кишига у ерда уруш ҳалол қилинмаган. Менга фақат бир оз фурсатга кундузи рухсат берилган. Бу нарса Аллоҳ ҳаром қилгани сабабли то қиёмат кунигача ҳаром қилинган. У ерда бирор тиконни юлиш, овни ҳайдаб кетиш, тушиб қолган нарсани олиш мумкин эмас. Лекин ту-

сида тахминий масофа куйидагича: Танъим — 7,5 км, Нахла — 13 км, Зотулабан — 16 км, Жаброна — 22 км, Ҳудайбия — 22 км, Арафот тоғи — 22 км.

### Эҳром мийқотлари

Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадина аҳлига Зулхулайфани, Шом аҳли учун Жуҳфани, Нажд аҳлига Қарнул Манозилни, Яман аҳли учун Яламламни мийқот — эҳромга кириш ўрни этиб тайинладилар. Ўша жойлар уларга ҳам, бошқа томонлардан ҳаж ва умрани хоҳлаб келганларга ҳам мийқотдир. Ким мана шу белгиланган ерларга яқин турса, ўша турган жойи мийқотдир. Ҳатто Макка аҳли ҳам Маккадан эҳром боғлайди (Имом Бухорий ривояти).

Муслимнинг ривоятларида «Ироқ аҳлининг мийқоти Зоту-Ирқдир», дейилган.

Маккаи мукаррама билан мийқотлар орасидаги тахминий масофа куйидагича:

Қарнул Манозил — 80 км;

Зоту Ирқ — 90 км;

Яламлам — 130 км;

Жуҳфа — 187 км;

Зулхулайфа — 410 км.

(Давоми келгуси сонда)

# УЗОҚ ЙЎЛЛАРДАН КЕЛУРЛАР

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

إِنَّ الَّذِينَ كَفَرُوا وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ  
وَالْمَسْجِدِ الْحَرَامِ الَّذِي جَعَلْنَاهُ لِلنَّاسِ سَوَاءً  
الْعَبْكَفُ فِيهِ وَالْبَادِ وَمَنْ يُرِدْ فِيهِ بِالْحَادِ بِظُلْمٍ  
نُذِقَهُ مِنْ عَذَابِ أَلِيمٍ ﴿٢٥﴾

Албатта, ўзлари кофир бўлган ва (ўзларини) Аллоҳ йўлидан ҳамда Биз Макка аҳли билан (хориждан) келувчилар учун баробар қилиб қўйган Масжиди Ҳаромдан қайтарадиган кимсаларга\* ва у жойда зулм билан йўлдан чиқмоқчи бўлган кимсага аламли азобдан тотдириб қўюрмиз (Ҳаж, 25).

\* **Изоҳ.** Оятнинг шу жумласига кўра, Абу Ҳанифа (раҳматуллоҳи алайҳ) Макка шаҳридаги ҳовли-жойларнинг сотилиши ҳам, ижарага берилиши ҳам жоиз эмас, яъни, мавсум пайтида хориждан келганлар билан ерли аҳоли хусусий манзиллардан бепул фойдаланиш ҳуқуқи бўйича тенгдирлар, деган. Лекин Товус, Амр ибн Динор, Шофеъий (раҳматуллоҳи алайҳим) Маккадаги ҳовли-жойларнинг савдоси ҳам, ижараси ҳам жоиз, дейишган. Ҳар икки ижтиҳодга ҳам далиллар бор. Масалан, Абу Ҳанифанинг далили оятдан ташқари яна Абдурахмон ибн Собитнинг сўзидир. У: “Биз яшаган даврда Макка аҳли ўз манзилига Маккага хориждан келган ҳожилардан кўра ҳаққироқ эмас эди. Умар (розийаллоху анху) ҳаж мавсумида одамларни уй эшикларини беркитиб қўйишдан ман қиларди” деган. Ибн Аббос ва Саид ибн Жубайр (розийаллоху анхум) ҳам, мусофир билан ерли халқ манзилларда туришга тенг ҳуқуқлидир, дейишган.

Шофеъийнинг далили Маккадан ҳижрат қилган мусулмонлар хусусида келган оятда “...ўз дигарларидан ноҳақ чиқарилганлар” дейилгани, Расулulloҳнинг (соллаллоху алайҳи ва саллам) Макка фатҳи куни “Ким дарвозасини беркитиб олса, ким Абу Суфённинг уйига кириб олса, ўша одам хавфсиздир” деган сўзлари ва Умарнинг Маккада қамоқхона учун 4000 дирҳамга бир ҳовлини сотиб олганидир.

**Шайх Абдулазиз МАНСУР.** “Қуръони карим маънолари ва тафсири”, “Тошкент Ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2004 йил.

وَإِذْ بَوَّأْنَا لِإِبْرَاهِيمَ مَكَاتِ الْبَيْتِ أَنْ لَا تُشْرِكَ  
بِي شَيْئًا وَطَهَّرَ بَيْتِي لِلطَّائِفِينَ وَالْقَائِمِينَ  
وَالرُّكَّعِ السُّجُودِ ﴿٢٦﴾ وَأَذِّنْ فِي النَّاسِ بِالْحَجِّ  
يَأْتُوكَ رِجَالًا وَعَلَى كُلِّ ضَامِرٍ يَأْتِينَ مِنْ  
كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ ﴿٢٧﴾ لِيَشْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ وَيَذْكُرُوا  
أَسْمَ اللَّهِ فِي أَيَّامٍ مَّعْلُومَاتٍ عَلَىٰ مَا رَزَقَهُمْ مِنْ بَهِيمَةِ  
الْأَنْعَامِ فَكُلُوا مِنْهَا وَأَطْعِمُوا الْبَائِسَ الْفَقِيرَ ﴿٢٨﴾

(Эй Муҳаммад!) Эсланг, Биз Иброҳимга Байтуллоҳ ўрнини белгилаб бериб, (унга шундай дедик): “Менга бирор нарсани шерик қилмагин ва Менинг Байгимни тавоф қилувчилар, (намозда) тикка турувчилар, руку ва сажда қилувчилар (яъни, ҳожилар ва намозхонлар) учун тозалаб қўйгин!

Одамлар орасида (юриб, уларни) ҳажга чорлагин! (Шунда) улар сенга (Каъбага) пиёда ва ҳар қандай туяда узоқ йўллардан келурлар.

Улар ўз (диний ва дунёвий) манфаатларига шохид бўлиш учун ва маълум кунларда\* (Аллоҳ) уларга ризқ қилиб берган чорва ҳайвонларига (қурбонлик учун сўйишда) Аллоҳ номини зикр қилиш учун келурлар. Бас, ундан ўзларингиз ҳам еяверингиз, бечора камбағалларга ҳам едирингиз! (Ҳаж, 26—28).

\* **Изоҳ.** Қурбонликни маълум белгиланган кунлари сўйиш шарт. Масалан, унинг вақти ҳанафий мазҳабида Қурбон ҳайити кунининг бомдод намозидан сўнг учинчи куннинг куёши ботгунга қадар давом этади.

لَكُمْ فِيهَا مَنَافِعٌ إِلَىٰ أَجَلٍ مُّسَمًّى ثُمَّ مَحِلُّهَا  
إِلَى الْبَيْتِ الْعَتِيقِ ﴿٢٩﴾

Сизлар учун уларда (қурбонликларингизда) маълум муддатгача манфаатлар бордир (яъни, йўлда уларни қўзилаиб соғиб, миниб фойдаланиб кетишларингиз мумкин). Сўнгра “Кўҳна уй” (Каъба) уларни (сўйиш) жойидир\* (Ҳаж, 33).

\* **Изоҳ.** “Каъба”дан мурад Макка шаҳридир. Ҳадисда: “Макканинг ҳамма томонлари қурбонлик сўйиладиган жойдир”, деб айтилган.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: “**Эй имон келтирганлар! Сабр ва намоз билан** (Мендан) **ёрдам сўрангиз! Албатта, Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир**” (Бақара, 153). Ушбу чақириққа биноан мўмин-мўминалар ҳар бир ҳолатда сабр либоси билан безанишлари лозим. Айниқса, ҳаж амаллари адо этилаётган вақтда сабр жуда асқотади. Муборак сафар чоғи сабрли, ҳалим, кечиримли, тавозеъли

тишди: олдинга ташланишмади, бировларга озор беришмади, аксинча сабр қилишиб, бошқаларни олдин ўтказиб юборишди. Рўйхатдан шу беш нафар ёш ҳожи билан бирга-бирга энг охирида ўтдик.



## САБРНИНГ МУКОФОТИ НАҚД

бўлиш, ҳаж одобларига риоя этиш, ўша мамлакатнинг қонун-қоидаларини ҳурмат қилиш ҳожининг гўзал фазилатларидандир. Сабрнинг мукофоти нақд эканига ҳаж пайти бир неча бор гувоҳ бўлдим.

### Кўнгил тилагани бўлди

Ватанга қайтиш яқинлашган. Хожиларга ҳадя сифатида Қуръони карим тарқатилиши айтилди. Ўзимча: “Китобнинг қандай ҳажмдагиси — каттасими-кичигими берилар экан?” деб ўйладим. Анчадан бери катта Қуръон китобим бўлишини жуда истаб юрардим. Эҳтиёт шарт дўкондан битта катта Қуръон китоби харид ҳам қилдим. Сўнг қайтишга тайёргарлик кўра бошладик.

Охирги кун... Қўналғада хожиларимиз ниҳоятда шошилишар, сабрсизлик қилишиб, бир-бирларидан олдин ўтишга тиришар эди. Гуруҳбоши бўлганим учун иложи борича тартиб ўрнатишга ҳаракат қилардим. Бир неча ёш ҳожи ўзларини жуда чиройли ту-

Ана шунда сабрнинг тез мева беришини кўрдим. Учоққа чиқар экамиз, ваъда қилинганидек, ҳадяга Қуръон китоби тарқатила бошлади. Навбат энди менга келганида кичкина ҳажмдаги Китоб тугади ва қолганларга катта ҳажмдагиси тегди. Аллоҳнинг каломидеги ваъда ҳақ. Сабр қилиб, охирида учоққа чиққанимиздан ниҳоятда қувондик.

### Савобдан

#### қуруқ қолган одам

Сабрсизликнинг оқибати ниҳоятда хунук бўлишига ҳам мисол кўп. Биздан олдинроқ ҳажга борган ҳожи биродарларимиздан эшитганим бир воқеани айтай.

Ҳожиларимиз мийқотга келиб, ғул қилиб, эҳром боғлаб, ташқари чиқишади. Маҳаллий ҳайдовчи автобусни билмасдан сал ноқулай жойга қўйган бўлади. Яъни, эшиги озгина кўлмак сув тўпланиб қолган жойга тўғри келади. Янги эҳром боғлаган хожиларимиздан бири беихтиёр кўлмакка оёқ ташлайди. Шунда эҳромми-

га кир сув сачрайди. Бу ҳолатга сабр қила олмай, унинг жаҳли чиқади ва ҳайдовчининг юзига тарсаки тортиб юборади. Шунда ҳайдовчи ажиб иш қилади: шапалоқ урган ҳожининг кўлини ўпиб, кўзига суртиб, йиғлаб юборади ва арабчалаб ҳожимиздан кечирим сўрай бошлайди.

Ўзича, тўғри иш қилдим, деб ҳисоблаган ҳожи ҳайдовчининг бу қилигидан баттар гурурга кетади. Айбига икром бўлганидан кечирим сўраяпти-да, деб ўйлайди. Шунда араб тилини биладиган бошқа бир ҳожи келиб, ҳайдовчининг ҳолатини, сўзини тушунтиради: “Биродар, бу сендан кўрқанидан йиғлаб узр сўраётгани йўқ. Ўзининг ватанида турибди, сенга жавоб қайтаришга ҳам имкони бор. Лекин сенинг ҳаж савобинг камайтирилишига сабабчи бўлдим, рози бўл, деб йиғлаяпти”, дейди.

Изоҳлашга, шарҳлашга ҳожат бўлмаса керак..

**Абдуқодир ҳожи МУРОДОВ,**

Қарши шаҳридаги «Хонақоҳ» жомеъ масжиди имом-хатиби



дир: «Масжидда турган эдим, бир киши майда тош отиб мени чақирди, қарасам Ҳазрати Умар эканлар. «Анави икки кишини олдимга олиб келгин», дедилар. Икковини бошлаб келдим. «Кимсизлар, қаерликсизлар?» деб сўрадилар Ҳазрати Умар. Улар: «Тоифликмиз», дейишди. «Агар Мадина аҳлидан бўлганингизда кунингизни кўрсатардим. Бу қандай гап, Расулуллоҳ масжидларида овозингизни (баланд) кўтарасизлар?», дедилар».

Пойтахтдаги жомелардан бирида имом жума хутбасини ўқитган эди. Шу пайт пашша учса эшитилар даражада сукунатга чўмган хонақоҳни аллақайси филмдан ёзиб олинган мусиқанинг шўх

## МАСЖИД ОДОБЛАРИ

Ҳар куни минглаб мусулмон ибодат қилай деб масжидларга ошиқади. Зеро, намозни жамоат бўлиб ўқиш вожибдир. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) замонларидан буён масжидларда жамоат бўлиб намоз ўқиб келинади, ваъз-иршодлар қилинади, илм ва дин аҳкомлари ўрганилади, ахлоқ-одобга чақирилади. Шу боис бу даргоҳга қадам босган ҳар бир киши масжид хурматини сақлаши, масжид одоби ва тартибларига риоя этиши, номаъқул ишлардан четланиши керак. Афсус, гоҳ-гоҳ айрим биродарларимиз хурмат кўрсатиш тугул, масжиднинг энг оддий тартиб ва одобларига ҳам риоя этишмайди.

Масжидга эртароқ келиб, намозни кутиб ўтириш энг фазилатли амаллардан саналади. Кутганда ҳам Аллоҳни эслаб, таҳлил-тасбеҳ айтиб ўтирилса, нур устига нур. Масжидга кириб олиб, дунёнинг бемаъни гап-сўзлари билан машғул бўлиб ўтириш яхши эмас.

Яқинда Тошкент масжидларидан бирида икки талаба баланд овозда ўқитувчиларнинг иқтидори хусусида баҳсга киришиб кетишди. Тасбеҳ-таҳлил билан машғул намозхонларнинг бир-икки норози оҳангда қараб кўйиши ҳам уларни сергак торттирмади. Шунда биринчи сафда ўтирган бир отахон мулоимлик билан танбеҳ бердилар. Талабалар отахоннинг гапларини охиригача ҳам эшитмай, шартта айвонга чиқиб кетишди.

Шу ўринда Соиб ибн Язиддан ривоят қилинган ушбу ҳадисни келтириш ўринли-

овози тўлдириб юборди. Ҳамманинг фикри бўлинди, хаёли чалғиди. Мусиқа бир намозхоннинг кўл телефонидан чиқаётган экан. То телефонини топиб, овозини ўчиргунича ибодатнинг файзи кетиб улгурди. Энг аянчлиси, имомларнинг ҳар намоз олдидан телефонларни ўчириб қўйиш ҳақидаги огоҳлантиришларига қарамай, ҳар гал уч-тўрт «паршонхотир» намозхон топилиб туради.

Яна унча эътибор берилмайдиган одобсизликлардан бири — масжид тозалигига бефарқ бўлишдир. Туманлардан бирида юз берган ҳодиса ҳали кўз ўнгимдан кетгани йўқ. Ўрта ёшлардаги бир киши этигида бир кўтарим лой билан масжид ҳовлисига кириб келди. Оёқни тозалаб кириш ҳақидаги эътирозларни эшитмаётгандай юриб бориб, масжид айвонига кираверишда «тап-тап» уриб, лойини туширган бўлди. Кейин ерга бир-икки бор ишқаб ана шу пойабзали билан ичкарига кириб кетди.

Бундай ҳолатлар гоҳи-гоҳи бўлса-да, учраб туради. Масжидни ифлос қилиш, унга латта, қоғоз, хас-чўп ташлаш, тупуриш ёки балғам қоқиш

масжидни ҳақоратлаш ҳисобланади. Ҳикоя қилишларича, Имоми Аъзам (раҳматуллоҳи алайҳ) масжидда ўтирган эканлар, бир одам келиб оёғини масжид ерига ишқаб тозалабди. Шунда Имоми Аъзам: «Эй шайх, оёғингизни масжид ерига суртгандан кўра, менинг соқолимга суртсангиз бўларди. Агар оёғингиз ифлос бўлса, масжид ерини палид қилдинг-





# КЕЧИРИМЛИ БЎЛАЙЛИК

Афв этиш гўзал фазилатлардандир. Пайғамбаримиздан (алайҳиссалом) сўрадилар:

— Ё Расулulloх, гўзал хулқ нима?

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ушбу оятни ўқидилар: **“Афв-марҳаматли бўлинг, яхшиликка буюринг ва жоҳиллардан юз ўгинг”** (*Аъроф, 199*). Сўнгра: “Гўзал хулқ — узилган (қардошинг)га боғланмоғинг, бермаганга бермоғинг, сенга зулм қилганни кечирмоғингдир”, дедилар.

Кайқовус “Қобуснома” асарида ёзади: “Агар гуноҳкорнинг гуноҳини афв қилмай, унга уқубат етказсанг, сенинг ундан ортиқлиғинг қачон маълум бўлмай? Унинг гуноҳин афв қилгонингдин сўнг уни койимағил ва гуноҳин асло ёдингга келтурмағил, йўқ эрса, гуноҳин афв қилмамиш бўлмайсан.

Агар (узр сўровчи) сени яхши деб гумон этмаса эрди, сендин ҳожатин тиламас эрди. Ҳожатманда ҳожат тилар вақтида сенга асир бўлғусидир, асирларга эса раҳм қилмоқ керақдур, нединким, асир бўлмоқ осон эрмасдур ва кўп мушқул ишдур. Бас, ушбу ишда камчилик кўргузмағил, то икки жаҳон яхшилиғин топмайсан”.

Беайб Парвардигор, инсонлар бир-бирларининг хатоларини кечириши, тузатиши — уларнинг олижаноб хулқ эгаси эканидан далолатдир.

Афв этиш билан қалбимизни гина-кудуратлар, хафагарчиликлар юкидан халос этамиз ва хафагарчиликлар сабаб бўладиган касалликларга чалинишдан ҳам омонда бўламиз.

“Ўзини енга олган одамни енгиб бўлмайди”, дейди Конфуций. Дарҳақиқат, ўз иззат-

нафсини енга олган одамнинггина ўзгани кечиришга ва айби учун кечирим сўрашга қурби етади.

Қайсарлик, кечира олмаслик, қўролмаслик, бахиллик каби салбий феъллар билан киши ҳеч қачон ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган эмас. Робия Адавиййа (раҳматуллоҳи алайҳ) вафоти яқинлашгач, Ҳасан Басрий ҳазратлари ва шогирдларига бундай васият қилди: “Афв қилишда иккиланманг, ўзингиздан бошқа ҳаммани кечиринг, лекин ўзингизнинг нафсингизни асло кечирманг. Зеро, у асл душманингиздир! Ҳаммани кечиринг! Зеро, комил инсон бошқаларнинг дўзахда азобланишига сабабчи бўлишга асло рози бўлмайди”.



Ҳаёт ибн Қайс ҳазратларининг шиорлари бундай эди: “Инсонлар дўзахда ёнмасин!” Бунинг учун эса, бошқаларнинг хатосини кечира олиб, ўзининг хатосини кечирмайдиган, саботли, номусли, виждонли бўлиш керак”.

Аллоҳ таолонинг мағфирати-га эришмоқ учун барчамиз кечиримли бўлайлик! Зеро, Аллоҳ таоло кечирганни кечиради.

**Ортиқали БЕХУТОВ,**  
ТДПУ, ўзбек тили ва адабиёти факултети 3-курс толиби



из, ваҳоланки, Аллоҳ таоло: “Масжидни пок тутинглар”, деб буюрган. Агар оёғингиз пок бўлса, масжид ерини хор қилдингиз, ваҳоланки, Аллоҳ таоло уни азиз қилган эди. Ким Аллоҳ таоло азиз қилган ерни хор этса, албатта ўзи хор бўлғусидир”, деган эканлар.

Бунинг устига, масжидларга папирос, саримсоқ-пиёз, ювилмаган пайпоқ кабиларнинг нохуш ҳидлари билан бемалол кирувчилар ҳам учраб туради.

Ҳожатхоналарда тозаликни сақлаш, сувни исроф қилмаслик ҳақида кўп гапирилган, аммо ҳануз бунга эътибор бермайдиганлар кўп. Кейинги пайтларда масжидга кийиб келинаётган баъзи кийимлар ҳам одобга тўғри келмайди. Кўкрагига ё орт тарафига жонзотлар расми туширилган, алмойи-алжойи хорижий сўзлар ёзилган кўйлак-майкаларда намоз ўқиш ҳоллари кўпайди.

Ҳадиси қудсийда бундай марҳамат қилинади: “Еримдаги уйларим масжидлардир. Менинг зиёратчиларим масжидларни обод қилувчилардир” (*Абу Нуайм ривояти*). Масжидларни обод қилиш эса унга эҳтиром кўрсатиш, ибодат ва зикрларни кўпайтириш, масжидда дунё ишларидан четланиш, масжид одобларига риоя этиш билан бўлади. Ҳар бир намозхон бу айтилганларга риоя этганидагина ваъда қилинган ажр-савобларга эришади.

**Аҳмад МУҲАММАД**



## МАМЛАКАТ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Навбатдаги йиғилиш

Шу йил 14 ноябр куни Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Уламолар кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Йиғилишни ўМИ раиси, муфтий Усмонхон Алимов олиб борди.

Йиғилишда бир қатор масалалар кўрилди. Ўтган Рамазон ойида қилинган хайрия тadbирлари ҳақида ўМИ раиси Усмонхон Алимов ва бош ҳисобчи Тождидин Сулаймонов, юртдошларимизнинг ҳаж сафарини тартибли ташкил этиш мавзусида халқаро алоқалар бўлими мудирининг ўринбосари Саидбахром Фуломов, диний-маърифий мазмундаги босма ва электрон адабиётлар нашри борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида раис ўринбосари, шайх Абдулазиз Мансур маъруза қилди.

Уламолар кенгаши йиғилишида Президент Девони масъул ходими Камолиддин Комилов, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ортиқбек Юсупов, республика “Нуроний” жамғармаси раиси Эркин Боқибоев қатнашди.

### Эътибор кўрсатилди

Олим кишилар ўз-ўзидан кўпайиб қолмайди. Бунинг учун фидойи устозлар бутун умрларини бағишлайдилар. Дарҳақиқат, мударрислар Саиднаби Саидкаримов ва Зайниддин Тожиев Тошкент Ислом институти ташкил бўлганидан буён бу даргоҳда талабаларга дарс бериб келишади. Бунга ҳам мана ўттиз беш йилдан ошяпти. “Кўкалдош” мадрасаси мударриси Дўстмуҳаммад домла Насриддиновнинг Ислом илмини ёшларга етказиб келаётганига эса ярим аср бўлди. Юртимизнинг барча вилоятларида бу устозлардан таълим-тарбия олган мутахассисларни учратиш мумкин.

Устозлар олдидаги бу қарздорликни унутмаслигимиз керак. Яқинда фахрли устозлар Саиднаби Саидкаримов, Зайниддин Тожиев, Дўстмуҳаммад Насриддиновга Ўзбекистон мусулмонлари идорасида эҳтиром, эътибор кўрсатилди.

Улар ўМИнинг махсус мукофоти билан тақдирланишди.

**Жалолиддин НУРИДДИНОВ,**  
ўМИ таълим бўлим мудири

### Кўнгишлар кўтарилди

Бу йилги Рамазони шариф ҳайити диёримизда хурсандчилик билан ўтди. Айниқса, Ўзбекистон Мусулмонлари идорасига қарашли жомеъ масжидлар амалга оширган хайру саховат тadbирлари юртдошларимизнинг бир-бирларига меҳроқибатларини зиёда қилди. Муҳтожларнинг оғири енгил бўлиб, кўнгишлари кўтарилди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида ўн беш миллион беш юз ўттиз тўққиз минг сўм, пойтахт вилоятида йигирма олти миллион тўққиз юз минг сўмдан ортиқ, Самарқанд вилоятида беш миллион етти юз саксон саккиз минг сўм, Наманганда беш миллион икки юз ўттиз уч минг сўм, Андижонда тўрт ярим миллион сўмдан ортиқ, ўМИнинг бошқа вилоятлар вакилликлари, жомеъ масжидлари томонидан жами тўқсон миллион олти юз ўн икки минг сўм маблағ кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, беморларга, ногиронларга, болалар, қариялар уйларига, шифохоналарга, мактаб-боғчаларга моддий ёрдам сифатида берилди. Юзлаб талабаларнинг ўқув шартнома пули ҳам шу ҳисобдан тўланди.

### Фуқаролар йиғини гавжумлашади

Маҳалла фуқаролари йиғини кишилар ҳаётида сезиларли таъсирга эга. Шарт-шароитнинг яхшиланиши билан эса уларнинг фуқароларга моддий-маънавий кўмаги янада ортади. Буни ҳисобга олган вилоят ҳокимлиги Жиззах шаҳридаги жами ўттиз учта маҳалла фуқаролар йиғини идорасини йил охиригача компютерлар билан таъминлайдиган бўлди. Бунинг учун 65 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади.

“Туркистон-пресс”

### Инсон савдосига қарши кураш

Белорус Республикаси ташаббуси билан БМТнинг Бош Ассамблеяси “Куллик ва инсон савдосига қарши курашни янада яхшилаш” тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳозирги замон қулфурӯшлари қурбонига айланган инсонлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадида чиқарилган бу қарорга йигирмата давлат ҳаммуаллиф бўлди. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз муаллифдошлигини биринчилардан бўлиб расмийлаштирди.

“Туркистон-пресс”

### Мурувват

Республика Ногиронлар жамияти Қувайт халқаро хайрия жамғармаси ҳомийлигида эллик нафар ногиронни дилкаш суҳбат ва бир пиёла чой-

га таклиф этди. Тадбир сўнггида Кувайт жамғармаси кўзи ожизларга Брайл имлосида кўчирилган олти-та Қуръони карим китобини тақдим қилди.

**Ислом СУЛТОНОВ**

### Тарихнинг фожиали саҳифалари

1929-1935 йилларда Совет ҳукумати ўтказган “қулоқлаштириш” сиёсати мамлакат тарихидаги энг даҳшатли, фожиали саҳифалардан ҳисобланади. Коллективлаштириш баҳонасида Ўрта Осиёдан минглаб деҳқон қулоқ қилиниб, ўзга юртларга сургунга жўнатилди ё қамоққа ташланди, мол-мулки тортиб олинди.

Ўрта Осиё деҳқонлари бошига тушган бу мусибат олтмиш йил давомида совет ҳукумати аграр сиёсатининг буюк ютуғи деб талқин қилиниб келди.

Бобур номидаги Андижон Давлат университети профессори, тарих фанлари доктори Рустамбек Шамсуддинов, тарих фанлари номзоди Б.Расулов тузган уч жилдли «Ўрта Осиё қишлоқлари қатағон йилларида» китобидан тарихимиздаги ана шу даҳшатли воқеаларга доир архив материаллари ва ҳужжатлар ўрин олган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарих институти, “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси ва Андижон Давлат университети ҳамкорликда нашр этган бу китобда мустабид тузумнинг ғайриинсоний жиноятлари ҳақидаги бой, ишонарли, қизиқарли маълумотлар жамланган.

Китобни “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти 1000 нусхада босиб чиқарди.

# КЎНГИЛНИ ПОКЛОВЧИ ИБОДАТ

Мен Маккаи мукаррамада кексайиб қолган чоллар ва кампирларнинг ҳаж амалларини қандай ғайрат ва шижоат билан бажараётганларини кўриб ҳайратга тушдим. Улар жисмонан заифлашиб қолишган эсада, Аллоҳнинг уйи — Каъба атрофида тавоф қилаётганларида ёки Сафо билан Марва оралиғида савй этиб, югураётганларида юраклари, вужудларида янги бир куч топа олганларига ишончим комил бўлди. Улар бу пайтда ёшларданга ғайратлироқ эдилар. Ихлос ва муҳаббат одамга қувват берар, улғайтирар, юксалтирар, янгилар экан.



Ҳаж кунлари бир неча миллион одам буюк бир интизом бошқариб туради. Бу интизом, бу сабр, бундай тартиб уларга фақат Аллоҳ таоло фарз қилган ибодатни адо этишга тўпланганлари учун берилади. Уларни буюк бир мақсад руҳан бирлаштиради. Бундай пайтларда ҳеч ким бир-бирига бегона эмас. Бу одамлар бир-бирларининг исмларини билмайдилар, лекин бир-бирларини жуда яхши танийдилар. Уларнинг ирқи, миллати бошқа-бошқа, аммо бир-бирларига оға-инилардай қадрдон.

Маккаи мукарраманинг юраги — Масжидул Ҳаром зиёратига ошиқаётган миллионлаб одамлар тўлқинини кўриб, ич-ичингизда ҳам тўлқинлар ҳосил бўлади. Ботинингиздаги тўлқинлар одамлар тўлқинига қўшилиб кетади. Масжидул Ҳаромга кириб тавофни бошлаганингиздан сўнг албатта руҳингизда ғаройиб ўзгаришларни сеза бошлайиз. Руҳингиз умр бўйи излаган нарсасини топгандай ҳузурланади.

Жисмоний толиқишлар сезилмай қолади, тоза ва роҳатбахш бир илҳом қалбингизни тўлдиради. Бундай илҳом эса инсонга ҳар доим ҳам берилавермайди. Бу илоҳий неъматни тотиб кўришнинг ўзи бахт.

Ҳаж мавсумида катта зиёратгоҳларда бўлдиқ. Мадинаи мунавварадаги Масжидун Набавий, Уҳуд тоғи, Икки қиблали масжид, Маккаий мукаррама атрофидаги Мино водийи, Арафот тоғи, Муздалифа, Жабали Нур каби зиёратгоҳлар...

Бу жойларнинг ҳар бири билан боғлиқ хотиралар, таассуротларни айтса, тугамайди. Улар Ислом маънавияти босиб ўтиб келаётган шонли тарих илдишлари билан боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам ҳар бир зиёратчи бу манзиллардаги яширин маънавий хазиналарни ўзича кашф эта билмоғи керак.

Ҳаж амалларини бажариш жараёнидаги ҳузур-ҳаловатлар ҳам, чекиладиган машаққатлар ҳам, хуллас, барчаси одамнинг ўз-ўзини руҳан ислоҳ этишига хизмат қилади, қалб янгиланади. Аслида у ҳамisha янгиланишга муҳтождир.

Бу улуғ сафар давомида қанчадан-қанча туйгуларни, кечинмаларни бошингиздан кечирасиз. Энг муҳими, улар сизни эзгулик сари етаклайди.

Аллоҳ таоло бизларга ато этган неъматлар ичида энг улуғи имон, холис ибодат бўлса, ҳаж мавсумида бу неъматнинг завқшавқи энг юксак даражага чиқишини юрак-юракдан туйдим.

**Эшқобил ШУКУР,**  
шоир,

“Ўзбекистон” телеканали муҳаррири

Ризоуддин ибн ФАХРИДДИН

# ЯХШИ ФАЗИЛАТЛАР КАЛИТИ



“Аллоҳ таоло ҳаром қилган нарсалардан ўзингни сақла, энг яхши ибодат қилувчилардан бўласан. Аллоҳ таоло сенга берган нарсасига рози бўл, бой одамлардан бўласан. Кўшнингга яхши муомала қил, чин мўмин бўласан. Ўзинг учун яхши кўрган нарсаларни бошқалар учун ҳам яхши кўргин, чин мусулмон бўласан. Кўп кулишга одат қилма, кўп кулги қалбни ўлдиради” (Аҳмад ибн Ҳанбал. “Муснад”, II жузъ, 310-бет; Имом Термизий. “Жомеъ”, II жузъ, 54-бет).

*Шарҳи:*

Ахлоқ илми “этаги кенг ва енглари узун” бир фан бўлса ҳам, унинг тармоқлари ва қисмлари умумий қоидалар остига йиғилади. Шу умумий қоидаларни эсда тутган кишилар ҳамма қисмларини кўнгилларида сақлай оладилар.

1. Умумий қоидалардан бири Расулulloҳнинг (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): “Ўзинг учун яхши кўрган нарсаларни бошқалар учун ҳам яхши кўргин!” деган сўзларидир. Ёки, аксинча: “Ўзинг учун яхши кўрмаган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўрмагин”.

Ахлоқнинг ярми шу сўзлар остига киради. Ўзаро муносабатда ҳар ким муомаласини ўзига қиёс қилиб кўрсин: ёқса, бошқага ҳам қилаверсин, ёқмаса, демак, бошқага ҳам раво кўрмасин.

Шу хусусда Имом Бухорий Анас ибн Моликдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилишлари, Пайгамбаримиз (алайҳиссалом): “Сизлардан бирингиз ўзи учун яхши кўрган нарсани бошқа мўмин биродарлари учун ҳам яхши кўрмаса, мўмин бўлолмайди” (Имом Бухорий. “Саҳиҳ”, I жузъ, 9-бет), деганлар.

Ўзи учун севган бир ишни мўмин бирода-

ри учун севмасликни ҳадиси шариф комил мўминликдан ҳисоб қилмайди.

Бу ҳадисдаги насиҳатлар Абу Ҳурайрага қарата айтилган бўлса ҳам, унинг ҳукми умумийдир.

2. Ибодатларнинг энг каттаси ва энг севимлироғи тақиқлардан нафсни тийиб, фарзларни бажаришдир. Ҳар бир киши бўйнига шариат юклаган бурчларини адо этиши керак.

Мусулмонларнинг фарз амалларга бепарволик қилиб, нафл ё мустаҳаб ишларига аҳамият бериши, Аллоҳ таоло ва бандалари олдида юз хил бурчлари бўлатуриб, ҳар хил бахс-суҳбатлар, тўй-маросиму ва бошқа ортиқча тадбирлар билан шуғулланиши, фарз садақа (закот)ларни бериш ўрнига дабдабали тўйлар қилиб, (муҳтож бўлмаган) одамларни бундай тўйларга чорлаши ақлдан эмас. Мўмин кишига ҳаромдан тийилиб, фарзларни бўйнидан соқит қилишдек савобли ва қутлуғ иш йўқ.

3. Аллоҳ таоло берган нарсага рози бўлиш катта бойликдир, албатта. “Қаноат туганмас хазинадир” деганлар. У йўқ-бу йўқ деб нолиб юрадиганлар бирон аъзоларига ё оила

ичидаги кишиларига офат етса, ўзлари неъмат ичида бўла туриб, қадрини билмаганларини ўшандагина тан оладилар ва ўринсиз шикоят қилиб юрганларидан, ношукрлик қилганларидан пушаймон бўладилар.

4. Кўшни хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бўлсин, унга нисбатан яхши муомалада бўлиш ва олижаноблик қилиш (чунки кўшничилик ҳаққи бор), унинг ёмонликларидан кўз юмиб, кечириб мўминликдандир, албатта.

5. Аслида, кулги саломатлик келтиради, деб даъво қилинса ҳам, унинг меъеридан ортиги инсонга ярашмайди ва ақлсизликка аломат бўлиб қолади. Кўнгил хаёл билан банд бўлиб турганида киши кўп кулгини ёқтирмаслиги табиийдир. “Олдида ўлимдек катта бир воқеа турган кишининг кўнглига кўп кулиш қандай сиғар экан?” деб жуда яхши айтилган.

Ҳадиси шариф одамлар ўзларини ўзлари назорат қилиб боришларини буюради. Бу ҳадисдаги беш қондани яхши ўрганиб, ҳар бир ишни шуларга ўлчаб қилган инсонни дунёда энг яхши инсон деб мақтаса арзийди. Зоҳирий илм, ботиний илм, тасаввуф илми ва фикҳ илми шу ҳадиси шарифда йиғилган. Уларни чуқур ўйлаб, яхши билиб, тушуниб, ҳаётга татбиқ қилиш керак, холос.

(“Жавомеъул калим”, Т., “Мовароуннаҳр”, 2004, 23-бет.)

Махдум Эшон масжиди Наманган вилоятидаги энг қадимий, энг кўркем, энг файзли масжидлардан бири. Бу йил у икки юз ёшга кирди. Масжидни 1806 йили Мулла бува исми бой қурдирган. Қурилишда ўша пайтнинг моҳир устларидан Уста Исматуллоҳ шогирдлари билан ишлаган.

Мулла бува масжид битганидан кейин ҳозирги Қарши томон-

## ИККИ ЮЗ ЁШЛИ ЖОМЕЪ

лардан пирининг иршоди билан келган Махдум Эшонни имом этиб тайинлаб, кейинчалик масжидни ҳам у кишининг номи билан атади. Махдум Эшоннинг асли исми Мирҳомид бўлиб, у кишининг ўғиллари Қутбиддинхон, Қутбиддинхоннинг ўғиллари Муҳаммадхон Эшон, Муҳаммадхоннинг ўғиллари Орифхон Эшон эдилар.

Тарихдан маълум бўлишича, Махдум Эшон вафотларидан кейин масжид ёнига дафн этилади. Кейинчалик Мавлавий қабристонига кўчирилади. Махдум Эшоннинг набиралари Орифхон Эшон масжид ёнидаги уйда яшаб, юз ёшга яқин умр кўриб, 2002 йил бошида вафот этди.

Махдум Эшон ҳазратларидан кейин масжидда Ортиқ қори домла қирқ йилга яқин имомлик қилган. У кишининг ўғиллари Сайдуллоҳ қори домла ҳам шаҳримизнинг пешқадам қориларидан бўлган.

Октябр тўнтаришидан кейин, 1924 йилга келиб, юртимиздаги барча масжидлар қатори Махдум Эшон масжиди ҳам Марказ буйруғига биноан беркитиб кўйилади. Қатагон йилларида кўзга кўринган уламолар сохта айбонлар билан қамоққа олинди ва узоқ юртларга сургун қилинди. Кўплари эса жонини ва динини асраш ниятида бошқа юртларга ҳижрат қилишга мажбур бўлишди.

Иккинчи жаҳон уруши қизган пайтда совет ҳукумати бошқа динлар қатори Исломи дини-

мизга ҳам эркинлик берди. 1943 йилдан бошлаб масжидлар очила бошлади. 1946 йил Наманган шаҳрида Шайх Эшон ва Махдум Эшон масжидлари ҳам очилиб, яна фаолиятини давом эттиради. Бу масжидларга Исмоил Махдум домла ва Абдуқаюм қори домла имом этиб тайинланадилар.

Шу даврда Махдум Эшон масжидига яқин жойда Мулла Юсуф афандининг ўғли Ҳошимжон



қори яшаган, Фафур қори домладан Қуръон сабоғини олган эди. Кейинчалик Абдуқаюм қори домла билан Ҳошимжон қори домла бирга масжидда имомликни давом эттиришади.

1970-1988 йилларда масжидда имомлар ўзгарган бўлса-да, Рамазон ойларида Қуръон хатмлари Ҳошимжон қорисиз ўтмас эди. Ҳошимжон қори домла яқин ярим аср давомида таъсирли қироатлари билан Наманган аҳлини Қуръон нуридан баҳраманд қилди. 1888 йилда туғилган бу қори домла 1996 йили 108 ёшларида вафот этди. У киши умрларининг охиригача масжидда имомлик вазифасида ишлаб келди. Ниятларига яраша етти бор ҳаж ва умра амалларини бажарган.

Ҳозир у кишининг набираси Абдусаммадхон боболарининг ишини давом эттириб, Махдум Эшон масжидига имомлик қилмоқда.

**Ҳорунхон ҳожи АЮБХОН ўғли,**  
ЎМининг Наманган шаҳридаги вакили

# ҲАҚИҚАТГА ЯҚИН БОРИШ

Ислом дини илм динидир, илм-фанга зид ҳукми ҳам, ақидаси ҳам йўқ. Аксинча, ҳақиқий илм-фан тараққий этгани сари Қуръони карим ишора этган қонуниятлар кашф этиб бориляпти. Шунинг учун ҳам Ислом дини гуркираган замонларда илм-фан ҳам мисли кўрилмаган даражада ривожланган, ҳамма соҳаларда илмий кашфиётлар қилинган эди. Биргина ўзимизнинг диёрлардан етишиб чиққан буюк олимларни эслайлик. Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Фарғоний, Форобий, Улуғбек ва ҳоказо. Бу муборак зотлар айни пайтда диннинг ҳам билимдонлари бўлишган, динимизнинг чақириғига кўра дунёвий илм билан шуғулланишган. Диний илм бу алломаларга ҳамма соҳада жаҳоншумул қонуниятларни кашф этишда қўл келган.

Афсус, айрим зиёлилар, олимлар орасида ҳозир ҳам дин фанга қарши деган фикр яшаб келяпти. Лекин бундай фикрга нима асос бўлгани ҳақида ўйлаб ҳам кўрилмаяпти. Аслида, дунё илм-фан, ижтимоий фикрнинг юксалишини бузуқ ақидаларга асосланган католик черкови қабул қилмади. Қабул қилмадигина эмас, бу тараққиётга қарши курашди. Николай Коперник, Галилео Галилей, Жордано Бруно каби дунёвий фан олимларига инквизицияни қўлаб, уларни жисмоний жазолади. Ҳолбуки, Коперник ҳам, Галилей ҳам жуда ҳудойжўй инсонлар бўлишган. Кейинги йилларда собиқ Рим папаси инквизиция фаолиятидаги хатолар учун дунё жамоатчилигидан бир неча марта кечирим сўрагани бекорга эмас.

Худосиз совет тузуми даврида онгларга сингдириб юборилган “дин фанга қарши” деган ғояни унутиш қийин бўляпти. Унутиш тугул, католик черковининг илмга бундай салбий муносабатини тўғридан-тўғри Исломга ҳам тақашдай бир ноҳақликка йўл қўйиляпти. Ҳолбуки, Ислом ҳар қандай фойдали илмга тарғиб қилади, уни рағбатлантиради, диний-дунёвий илм-сизликни қаттиқ қоралайди.

Қуръони каримнинг юзлаб оятида илмга ташвиқ бор. Ҳадисларда, масалан, ҳар бир ўғил-қиз учун илм олиш фарз экани таъкидланган, агар илм Хитойда бўлса, уни олиш учун ўша ёққа ҳам боришга буюрилади.

Қадимда олимлар, жумладан, Бағдод ва Мамун академияларида илмий тадқиқотчилар ҳар қандай табиий фанлар негизида илоҳий билим ва қонуниятлар ётишини билишган. Ўрта аср олимлари табиат қонунларини билиш ва ўрганиш Яратувчини танишга етаклашини яхши англашган. Фарбда фан соҳасидаги бундай йўналишни “теология” (юнонча: дунёвий ва илоҳий таълимотлар мажмуи) деб аташган. Кейинчалик фан намояндалари бундай йўналишни инкор қилишди. Натижада фан ҳам, дин ҳам фойда кўрмади. Чинакам олимлар фикрича, табиий ва ижтимоий фанлар кенг кўламда ривожланиши учун фан билан дин биргаликда фаолият кўрсатиши лозим. Фан соҳасидаги даҳолардан бири Алберт Эйнштейн: “Фан динсиз чўлоқ, диндор фансиз кўр”, деб бекорга айтмаган.

Ижтимоий-гуманитар соҳаларнинг ривожланиш жараёнида кўтарилиш ва пасайиш давлари бўлганидек, табиий фанларда ҳам бундай ҳоллар юз бериб турган. Жумладан, XIX аср охири XX асрнинг бошларида физика фанида макрофизика ўрнига микрофизика — квант

механикаси, нисбийлик назарияси; биологияда ирсият қонунлари ва унинг моддий асоси бўлган ДНК (дизоксирибонуклеин кислота) кашф қилиниши физика ва биология фанларини сифат жиҳатидан бутунлай янги поғонага кўтарди. Фандаги бундай буюк ўзгаришлар диққат билан таҳлил қилинса, улар динга қарши эмас, балки бир-бирини тўлдирувчи ютуқлар эканига ишонч ҳосил қилса бўлади. Масалан, Алберт Эйнштейн кашф қилган нисбийлик назарияси Қуръони каримда баён қилинган воқеалар билан ҳамоҳанг экани билинади. Нисбийлик наза-





рияси бўйича, бирор жисмнинг тезлиги ёруғлик тезлигига яқин келса (ёруғлик секунди-га 300000 км йўл босади), бундай вазиятда замон ва макон бутунлай ўзгариб кетади. Худди шундай воқеа Исро сурасида баён қилинган. Ривоят қилинишича, Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) меърожга чиқиб кетаётганларида хужралари эшигининг қимир-

лаб қолган зулфини қайтиб тушганларида ҳам силкиниб турган экан. Ваҳоланки, шу бир он ичида Пайгамбаримиз (алайҳиссалом) Қуддус шаҳрига борганлар, у ердаги Ақсо масжидида икки ракат нафл намоз ўқиганлар, сўнг етти қат осмонга кўтарилганлар, қайтишларида эса, оқ туя бошчилигида қарвон келаётганини кўрганлар ва ҳоказо. Бу воқеани биз билган замон ва макон тушунчалари билан изоҳлаб бўлмайди. Ислом тарихидаги бу мўъжизага мўмин сифатида қатъий ишонамиз, илм ҳам бу ҳодисани нисбийлик назарияси орқали исботлади.

Ҳозирги кунда ахборотни узатиш мўъжизасидан ташқари фанда “телепортация” атамаси пайдо бўлди. Бу соҳадаги илмий-тадқиқот ишларида биринчи қадамлар қўйилмоқда. Бу илм чексиз фазо-маконда бирор нарсанинг бир жойдан иккинчи жойга бир зумда кўчирилиши моҳиятини ўрганadi. Фан янгилик деб тақдим этаётган бу сингари ҳолат Куръони каримда алақачон ёритиб қўйилган (42-сура 27—28-оятлар). Телепортация ҳодисаси Малика Билқис қиссасида келтирилган бўлиб, унинг шоҳона тахти Яман диёридан Қуддусга бир зумда номаълум макондан маълум макон, замон, борлиққа келтирилади. Қиссада хабар берилишича, бу юмуш, Куръон таърифига кўра, шу соҳани пухта эгаллаган шахсга топширилган.


Бизга қатъий деб уқтириб келинган табиат қонун-қоидалари Аллоҳ таолонинг иродаси билан ўзгариши мумкин: “Биз бирор нарсани ирода қилсак, унга айтадиган сўзимиз “Бўл!” демоқ-


ликдир. Бас, ўша нарсa бўлур” (Наҳл, 40). Масалан, материя... Борлиқни инсон ўз сезгилари билан идрок қилади, аммо бу борлиқ бизнинг сезгиларимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. XX асрнинг фан соҳасидаги ютуқларидан бири материянинг кўп хусусиятлари кузатувчига боғлиқ эканининг аниқланиши бўлди. 1980 йилларда фаранг олимлари тажриба йўли билан элементар заррачаларнинг ҳаракати, тезлиги ва умуман, координаталари кузатувчига боғлиқ эканини, кузатувчи кузатмаса, улар фаолият кўрсатмаслигини аниқлашди. 2005 йили шу соҳада тадқиқот олиб борган олимларга халқаро Нобел мукофоти берилди. Уларнинг тажрибасидан дунё ва борлиқнинг фаолияти кузатувчининг тафаккурига боғлиқ экан деб хулоса қилса бўлади.

XX аср фани эришган ютуқларидан яна бири одамнинг пайдо бўлиши, унинг ота-онадан дунёга келиши тўғрисидаги назариядир. Биология соҳасидаги мўъжизалардан бири бундай: тухум хужайра оталаганидан сўнг ота-онанинг ирсий ахборотлари “зигота” деб аталувчи битта хужайрада бирлашади. Унинг ўлчами 0,001 мм атрофида бўлади. Шундай митти хужайрадан инсон шаклланади. Бу хужайрада инсон бўлиб шаклланиши учун уч миллиард белги бўлиши керак экан. Инсон танаси  $10^{13}$  (1000000000000) юз триллион хужайрадан иборат бўлиб, улар икки юз хил (жинсий, асаб, мушак ва бошқалар) атрофидадир. Буларнинг ҳаммаси бошланғич хужайрада белгиланган, унда инсоннинг неча ёшга кириши, қандай ирсий касалликлар билан касалланиши ва ҳоказо маълумотлар аввалдан режалаштирилгандир.

Яратган Аллоҳ таоло бандаларига онг ато этган. Мана шу тафаккур шуъласи инсоннинг атроф-муҳитни — дунёни билиши учун беқиёс воситадир. Онг-тафаккур чархланиб, кенг мушоҳадакузатишлар йиғиндидан тўғри хулоса чиқариш даражасига етса, катта ижобий натижаларга эришилади.

**Муҳсин  
ВАЛИХОНОВ,**  
биология фанлари  
доктори





У жанубий-шарқий Осиёдаги энг йирик порт ва савдо ўлкасига айланди. 1938 йили Буюк Британия бу ерда ўзининг Узоқ Шарқдаги энг йирик ҳарбий денгиз базасини курди. 1959 йили Сингапур шаҳри “ўзини ўзи бошқарувчи давлат” пойтахтига айланди, 1965 йил декабридан эса мустақил Сингапур Республикаси пойтахти бўлди. 60-йиллар охирида Англия ҳарбий-денгиз базаси тўла Сингапур ихтиёрига берилди.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Сингапур давлати юксак суръатлар билан ривожланмоқда ва ҳозирги пайтда у

# СИНГАПУР РЕСПУБЛИКАСИ

Малай ривоятларига кўра, Сингапурни милодий 1299 йили Шривижай давлати шаҳзодаси тиклаган ва унга санкстрит тилида “Арслонлар шаҳри” деган маънони англатувчи “Сингапур” номини берган экан. Малай давлатлари ўртасидаги савдосотикда катта аҳамиятга эга бўлган шаҳарни 1365 йили Мажапахит қўшинлари вайронага айлантирди. 1832 йилга келиб, Англия мустамлакачилари Сингапур оролини босиб олишди ва аввал уни колонияларининг бош шаҳрига, кейинчалик эса Британия Малайсининг пойтахтига айлантиришди.

Оврупа давлатлари билан Узоқ Шарқ мамлакатлари ўртасида қулай савдо йўлида жойлашгани учун Сингапур тез ривождана бошлади.

**Майдони:** 622 кв.км.  
**Аҳолиси:** 4,1 миллион киши.

**Пойтахти:** Сингапур  
**Маъмурий тузилиши:** шаҳар ва 58 та оролчадан иборат.

**Тузуми:** республика  
**Давлат бошлиғи:** президент

**Пул бирлиги:** сингапур доллари

иқтисодий соҳада Осиёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган. Иқтисоднинг асосини ташқи савдо амалиётлари ва четдан келтирилган хомашёга ишлайдиган саноат ташкил этади. Электротехника, радиоэлектроника, нефт ва кимё, оптика, кемасозлик, пўлат эритиш, самолётсозлик соҳалари жуда тараққий этган. Қаҳва, чой, каучукни қайта ишлаш ҳам ривожланган. Қишлоқ хўжалигида кокос, тамаки, сабзавот, мева етиштирилади, балиқ овлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Сингапур хорижга электротехника ва электроника маҳсулотлари, транспорт ускуналари, нефт, кимё маҳсулотлари, пўлат, темир, кийим-кечак, озиқ-овқат, аквариум балиқлари экспорт қилади. Четдан нефт, газла-





ма, қоғоз, озиқ-овқат келтиради. Асосан АҚШ, Сянган, Малайзия, Таиланд билан савдо алоқалари кенг йўлга қўйилган.

Сингапурни улкан орол — шаҳар дейиш мумкин. Оролнинг шарқий соҳилида қишлоқлар ва боғлар бор. Шимолий қисмида эса аҳоли кам яшайди, бу ерда ўрмон ва боғлар сақланиб қолган. Сингапур дарёсининг атрофлари шаҳар маркази саналади, бу ердан жанубга қараб осмонўпар бинолар, дўкон ва бо-



зорлар, банклар ва тураржойлар чўзилиб кетган. Оролнинг Журонг деб аталган ғарбий қисми саноат ҳудуди бўлиб барча ишлаб чиқариш корхоналари шу ерда жойлашган. Сингапур заминида фойдали қазилмалар йўқ.

Сингапур кўп миллатли мамлакат саналади. Аҳолисининг 77 фоизи хитойлар, 15 фоизи малайлар, 7 фоизи ҳиндлардир. Шунинг учун инглиз, хитой, малай, тамил тиллари давлат тили саналади. Бу эса аҳолининг диний таркибига ҳам таъсирини кўрсатган. Сингапурликларнинг ўттиз фоизи буддавий-

лар, йигирма фоизи насронийлар, ўн саккиз фоизи мусулмонлардир, қолганлар турли таълимотларга эътиқод қилишади.

Сўнгги йилларда мамлакатда Исломга қизиқиш тобора кучайиб борапти. Саккиз юз мингга яқин кишининг Ислом динига эътиқод қилишининг ўзи фикримиз далилидир. Биргина пойтахтнинг ўзида 64 масжид, ўнлаб намозхона ибодат учун очиб қўйилган.

Мамлакат ҳукумати мусулмонларнинг исломий ҳаёт кечиришлари, ибодат ва маросимларини бемалол ўтказишлари учун барча шарт-шароитларни яратишга интиляпти. Яқинда Сингапур сайёҳлик вазирлиги мусулмонлар учун махсус дастур тайёрлади. Унда Сингапурнинг маданий анъаналари қато-

ри Фитр ва Қурбон ҳайитларини ўтказиш тadbирлари, мусулмонларга турли фойдали маслаҳатлар ўрин олган. Ана шу дастурда ҳалол таомлар тайёрладиган ошхоналар рўйхати ҳам келтирилган. Ушбу рўйхатга кириш учун ҳар бир ресторан таомлари шариат талабларига биноан тайёрланаётганини исботлаб, Сингапур Ислом дини Кенгаши (MUIS)нинг



махсус ёрлигини олиши керак бўлади.


Шунингдек, мамлакатда мусулмонлар учун махсус шифохоналар, дам олиш уйлари очилган. Уларда маст қилувчи ичимликлар билан савдо қилинмайди. Ҳукуматнинг бу тadbирлари мамлакат мусулмонларига қулайлик туғдирибгина қолмай, хорижий ўлкалардан кўплаб мусулмонларнинг Сингапурга саёҳат қилишларига ҳам йўл очяпти.

**Аҳмад ТУРСУН**

*Манбалар:*

1. "Страны мира", справочник. Москва, 2003, 239-241 стр.
2. "Атлас мира", справочник. Москва, 2003.
3. Интернетнинг "Islam.ru", "Islam online" сайтлари.





бўлгани учун ҳам қадрлидир.

Йўлларда, табаррук жойларда она тилимизда битилган: “Марҳобо, Раҳмоннинг меҳмонлари! Хуш келибсиз!” деб ёзилган лавҳларни ўқиб, кўнгилimiz яйрайди. Ҳожиларимизнинг бундай самимий кутиб олиниши, жонажон юртимизга, халқимизга меҳр-муҳаббат ифодасидир.

“Зуёфур роҳман” — Раҳмоннинг меҳмонлари... бундан буюк

ни эчкиники билан тенг эмас...

Ҳожи деган ном ҳеч бир мўминга имтиёз ёки иззат тамаъ қилишига ҳуқуқ бермайди. Агар унинг бошқалардан “ортиқ жойи” бўладиган бўлса, бу гуноҳга асло яқинлашмаслигидир. Ҳожи тоату тақвоси, гўзал хулқлари билан мусулмонларга ўрнатилган бўлиши лозим.

Барчага ўрнатилган ҳожиларимиз борлигини мамнуният билан қайд этиб, уларнинг ибратли

## МАРҲАБО, МУҲТАРАМ ҲОЖИЛАР!

Диёримиз мусулмонлари Аллоҳнинг инояти, мустақилликнинг шарофати билан ҳаж фарзини адо этиш имкониятига эга бўлдилар. Жисмоний ва молиявий бу ибодатга қодир бўлганлар тўсиқсиз, хавф-хатарсиз уни бажаряптилар.

Бу кунларга етказгани учун неъматлар Соҳибига шукрона вожиб. Етмиш йил, яъни, бир авлод умрига тенг давр зулматда кечди. Қибла сари йўналиш ҳам, юзланиш ҳам қатагон, диний-миллий қадриятлар топталган замонда Каъбатуллоҳга талпиниб, муродига етолмай армонда кетганлар озми. У машъум даврдаги фожеаларни эслаш бамисоли даҳшатли тушдай юракка ларза солади.

Ҳаж мавсумида етти иқлимдан тўпланувчи ҳожилар орасида Ўзбекистондан борадиган ҳожиларнинг муносиб ўрни бор. Эндиликда озод, мустақил мамлакатимизни дунё яхши билади. Бу табаррук тупроқ — Ислому маърифати зиёсини жаҳонга таратган буюк сиймолар ватани

сифат борми инсонга!

Раҳмоннинг меҳмони бўлиб, Каъбатуллоҳни тавоф этиш, суюкли Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) ҳузурига, муборак Равзаларига бориб, зиёратни адо қилиш жаннат йўлидаги қадам, десак, хато бўлмас. Ҳадиси шарифга кўра: “Одобу аркониға риоға қилиб адо этилган ҳажнинг мукофоти жаннатдир”.

Мақбул ҳажнинг мукофоти Раббимизнинг фазлу карамидир. Аммо “Ҳажни бажо келтирдим, ҳожи бўлдим, жаннатга йўлланма олдим”, деб ўйлаш хато. Чунки бир бежо ҳаракат катта савобни йўққа чиқариши мумкин. Сўфи Оллоёнинг бу байти бир лаҳза ҳам хавфни тарк этмасликка ундайди:

*Кима берса жаҳолат  
хамридин жом,  
Биҳишт олдиға келса  
босмагай гом.*

Демак, ҳожиман деб ғурурланма. Хавф билан ражонинг ўртасида бўл. Тавбани бузишдан, тўғри йўлдан чалғишдан, тойишдан қўрқ. Туянинг тойилган

ишлари тўғрисида тўхталиб ўтамай.

Косиб — Аллоҳнинг дўсти. Одамнинг яхшиси одамларга кўпроқ фойдаси тегадигани. Хивалик фермер Бекниёз ҳожи шу ҳадисларга амал қилган мусулмонлардандир. Уни гоҳ ўзи бунёд қилган боғда, гоҳ далада учратасиз, кўп вақтини сут маҳсулотлари тайёрлайдиган кичик корхонасида ўтказди. Фарзандларига бош бўлиб, дала ишларига, чорва молларини павариш қилишга қарашади, йўл-йўриқ кўрсатади.

Тилсизларнинг сўроғидан қўрқмай бўлмайди. Зиммамизда ҳақлари бор. Оч қолишса, сувни вақтида бермасак, таги ифлосланса, даъвогар бўлишлари турган гап.

Хайр-аҳсон маҳобат, шухрат учун эмас, Аллоҳ йўлида қилинади. Ўнг қўлнинг берганини чап қўл билмаслиги керак, деган йўриққа биноан у аҳсонларини айтишни истамайди. Ногирон кексалар шифохонасига, етимлар тарбияланаётган меҳри-

бонлик уйига, Хивадаги меъморлик обидаларини таъмирлашга, хуллас, хайрия ишларига ҳожи ота анча-мунча ҳисса қўшганини бошқалардан эшитдик.

Саховат ҳақида гап борганида, Урганч туманидаги “Полвон” фермер хўжалиги раҳбари Ниёзмат ҳожининг номини ҳурмат билан тилга олсак арзийди.

Ниёзмат ҳожи ўз юрти Қорамон қишлоғида кўриқ ерда катта боғ барпо қилиш учун озмунча тер тўкмади. Урганч шаҳрининг илгари “Комсомол кўли” деб аталган мавзеида, кўл ёқасидаги бўш ётган ерларни ўзлаштириб, боғ, гулзор бунёд қилди, хусусий чойхона очди ва шаҳарликлар хизматида топширди. Яқинда Ниёзмат ҳожи саксон икки ёшида оламдан ўтди.

Қорақалпоғистоннинг Амударё туманида Қодирберган ҳожи исмли бир ошнам, тўғрироғи, биродарим бор. Шу туман марказидаги коллежга раҳбарлик қилади. Диний ва дунёвий билимларни ўргатишни бурчи деб билади, ўз савиясини ошириш устида тинмай ишлайди.

“Халқимизнинг инсонпарварлиги, дўстларга меҳр-мурувати, хушмуомалалик, камтарлик хислатлари ҳаж мавсуми давомида ойдин намоён бўлади,

— дейди у. — Айрим ҳам-юртларимизнинг билим даражалари бироз пастлиги сезилади. Мен диний илмни назарда тутяпман. Бу нуқсон ибодатларда, суҳбат вақтида кўзга ташланди. Бошқа жабҳалар қатори динимиз аҳқомларини пухта ўрганишга асло эътиборсиз қараб бўлмайди.



Чоп этилаётган диний-маърифий асарлар ўз ўқувчиларини топса, улардаги ҳикматлар ҳаётга татбиқ этилса, эзгу мақсад рўёбга чиқади. Қалблардаги имон нури зиёда бўлади”.

Қодирберган ҳожининг сўзларида жон бор. Ўтмишда рўй берган фиску фасод ва бузғунчиликларнинг, мудҳиш воқеаларнинг сабабчилари кимлар? Улар диннинг асл моҳиятидан беҳабар, билимсиз кимсалардир, уларга қўшилган жоҳиллардир.

Билимли, диёнатли мусулмон адашганларга эргашмайди. Демак, ёшларимизга Ислом асосларини ўргатиш, диний саводсизликни тугатиш бугунги

кунда гоъят муҳим аҳамиятга эгадир. Алҳамдулиллаҳ, мустақил юртимизда ҳар бир фуқаронинг билим олиш ҳуқуқи мамлакат Конституцияси билан кафолатланган.

Лаин шайтон имон гавҳарини ўғирлаш қасдида қон томирларимизда изғиб, васваса қилади. Шу боис шайтон ва нафс чанғалига тушиб, тўғри йўлдан чалғиш, гуноҳга ботиш хавфидан ҳеч бир инсон эмин эмас.

Арафотда кўзёши тўкиб, қилган тавбамга содиқ қолдимми? Тўғри йўлдан чиқиб, бежо қадам босмадимми?

Бир нарсани эсда тутиш керак: динимиз шаънига доғ туширган кимса, бу дунёда ҳам, охиратда ҳам жазосиз қолмайди. Ҳожиларимизнинг комил мусулмонлар эканларига шубҳамиз йўқ. Улар борган жойларига нур олиб боришади. Панд-насихатларида ҳидоятга, тўғри йўлда бўлишга даъват этишади.

“Яхшининг юзи жаннатдир” деганларидек, юксак мақомларида қойим бўлган ҳожиларнинг пойқадамлари муборақ, суҳбатлари дилкушо, дуолари мустажобдир, иншааллоҳ.

**Фозил ЗОҲИД**



# ИСЛОМ ВА ОЛАМ



## Лондонда энг катта масжид



Буюк Британия мусулмонлари жамоаси Лондон шимолида биратўла қирқ минг нафар намозхонни сиғдирадиган масжид қуришни режаламокда. Шу мақсадда

2012 йили ўтадиган олимпиада ўйинлари қароргоҳига яқин жойдан ер майдони сотиб олинди. Бу масжид Лондон жанубидаги Морген мавзеида жойлашган масжиддан тўрт баравар ва 3000 кишини сиғдирадиган Ливерпулдаги англикан кафедрал соборидан бир неча баравар каттадир. Мемор Мангера Иваре лойиҳасига кўра янги Ислом маркази масжиддан ташқари мактаб, кўргазмалар зали ва 180 минг квадрат метрли боғни ўз ичига олади.

*Благовест-инфо*

## Қатарда Ислом маданияти музейи

Қатарда дунёдаги энг йирик Ислом маданияти музейи очилади. Музейнинг анъанавий Ислом меъморлиги услубида қуриладиган ва Доханинг жанубий қисмидаги сунъий оролчада жойлашадиган кўргазмалар майдони беш минг квадрат метрни эгаллайди, кенг маърифат ва тақдирот заллари, омборлари бунга кирмайди. Қурувчилар режасига кўра, бу иншоот Яқин Шарқдаги энг ажойиб замонавий бинолардан бири бўлади.



Музейнинг Ислом санъати бўлими хазинасида жаҳоннинг турли мамлакатларидан тўпланган умумий қиймати икки миллиард долларли ноёб осори-атиқалар бор. Айрим манбаларнинг таъкидлашича, бундан икки йил муқаддам Қатар ҳукумати фақат бир ҳафта ичида Лондон кимошди савдосида музей учун 22 миллион долларли экспонатлар харид қилди.

*Gulf Times*

## Оммалашаётган дин

Филиппинда кейинги йилларда Ислом дини тез оммавийлашиб борапти. Бу маълумот Social Weather Research Group ташкилоти яқинда ўтказган сўров натижасида аён бўлди. Тадқиқотларга кўра, ҳозир филиппинликларнинг 66 фоизи Исломга хайрихоҳлигини изҳор этмоқда. Ваҳоланки, бу рақам 2004 йили 52 фоизни ташкил этган эди. Мусулмонларнинг 68 фоизи эса “бошқа динларни ҳурмат қилишини” айтди. Ҳозир мусулмонлар мамлакат аҳолисининг 7 фоизини ташкил этади, улар асосан мамлакат жанубидаги Минданао оролида истиқомат қилишади.

*“Эрон радиоси”*

## Даври ўтган таълимот

Урал мусулмонлари мактабларда Дарвин назарияси ўқитилишини тақиқлашни суд орқали талаб этаётган Мария Шрайберни қўллаб-қувватлашмоқда. “Ҳозир тобора кўп одам Дарвин тадрижийлик таълимоти фирт хомхаёл эканини тушуниб борапти. Инсоннинг маймундан тарқгани ҳақидаги гаплар бемаъниликдан бошқа нарса эмас, — дейди Свердловск вилоя-

ти мусулмонлари оқсоқоллар Кенгаши раиси Раис Нуриимонов. — Дарвин назариясини жуда кўп таниқли биологлар қоралашди. Инсонларни Аллоҳ таоло яратган, улар Одам (алай-ҳиссалом) ва Момо Ҳавводан тарқалишган. Биз ўз эътиқодини аниқ изҳор этишдан чўчимаган ўқувчи қизни қўллаб-қувватлаймиз”. Русиянинг турли эътиқоддаги барча диндорлари 15 ёшли ўқувчи Мария Шрайбер бошлаган суд жараёнини эътибор билан кузатиб туришибди.

*Islam. Ru*

### Белгия мусулмонлари талаби

Белгия мусулмонлари ижроия кенгаши давлатнинг VRT телеканали ва RTBF радиостанциясидан эфир вақти ажратилишига умид боғламоқда. Ҳозир Брюсселдаги “Миди 1” радиостанцияси орқали мусулмонлар ҳар жума куни соат 16.30 дан 18.30 гача — икки соат эшиттириш олиб боришади. Радио учун дастурларни улар ўз студияларида тайёрлашади. Ижроия кенгаши режаларида интернет орқали ҳам чиқишлар уюштириш мўлжали бор. Белгиялик машҳур журналист Флип Воетс бундай дейди: “Ислом эътиқод қилувчилари сони жиҳатидан мамлакатда иккинчи ўринда туради, шунинг учун улар миллий телерадиоканаллардан эфир вақти олишга ҳақлидир”.

*Islam News*

### Исломни танлади

Собиқ православ руҳонийи ва роҳиб Михаил Киселев яқинда Исломни қабул қилганини эълон қилган эди. Куни кеча у Саратов мусулмонлари жамоасининг анъанавий учрашуви меҳмони бўлди. Ислом билан шарафланган собиқ роҳиб билан учрашувга юз нафардан ортиқ киши, асосан ёшлар ва талабалар тўпланди. Сўхбат мавзуи унинг Исломга кириши сабаблари ва эски эътиқодининг турли жиҳатлари ҳақида бўлди.

*Islam. Ru*

### Янги дипломлар

Британия қимматбаҳо қоғозлар ва сармоя институти исломий банк иши бўйича Фарбдаги илк дипломларни беришни бошлади. Уни компьютер тестидан ўтгандан сўнг олиш мумкин. Тест молиявий маслаҳатчилар, банк ва сармоя компанияла-

ри ходимлари, шунингдек, исломий молия соҳасида ишлаб, камолотга эришмоқчи бўлган барча кишиларга мўлжалланган.

Буюк Британияда биринчи бўлиб ўз мижозларига шариат талабларига биноан молиявий хизматини таклиф этган йирик Lloyds TSB банки вакиллари бу гувоҳномаларни “молия таълими соҳасидаги қайта қуриш” деб баҳолашди. Банк матбуот котибининг сўзига қараганда “Лондон сити бундан кейин ҳам дунёдаги йирик молия марказларидан бўлиб қолиши учун исломий банк ишининг барча нозик жиҳатларини яхши тушуниши керак”.

*BBC*

### Бош вазир ваъдаси



Ҳиндистон мусулмонлари вакиллари мамлакат бош вазир Манмохан Сингх билан учрашиб, унга жамиятни қамраб олган Ислом билан кўр-

қитиш жазаваси тўлқинларида Ислом жамоаси аъзоларини таъқиб этишни тўхтатиш талабномасини топширишди. Сўхбат чоғида мусулмонлар йўлбошчилари бир неча мусулмоннинг ҳибсга олинишидан ташвишларини изҳор этишди. Сингх, ўз навбатида, ҳозирги вазиятда мусулмонларга ёрдам бериш учун барча чораларни кўришга ваъда берди. Эслатиб ўтамиз, Ҳиндистонда бир миллиардди аҳолининг ўн беш фоизи мусулмонлардир.

*ИНА*

### Детройтликлар режаси

Детройт (АҚШ) Ислом дини маркази шаҳардаги католик епархияси билан Биби Марям католик черкови биносини қўшимча иншоотлари билан сотиб олиш ҳақида шартнома тузди. Детройт мусулмонлари собиқ черков биносини масжид, учрашувлар маркази ва исломий мактабга айлантиришни мўлжаллашяпти.

Бу черковни ўтган асрнинг йигирманчи йилларида поляк муҳожирлари қуришган эди. Ҳозирга келиб кўплаб поляк ка-



толиклари шаҳар ташқарисига кўчиб кетишди, бунинг устига, майда черковларда хизмат қилишга руҳонийлар етишмай қолди. Айна пайтда шаҳарга Ҳиндистон ва Бангладешдан кўплаб мусулмонлар кўчиб келиб, кичик ва тор маҳаллий масжид уларни сиғдира олмай қолди. Сон жиҳатидан устунликка эришган мусулмонлар шаҳар ижтимоий ҳаётида етакчи бўлишяпти.

*The Detroit News*

### “Русия мусулмонлари”нинг ёшлар қаноти



“Русия мусулмонлари” ижтимоий ҳаракатининг ёшлар бўлими ташкил қилинди. Саратов вилояти Энгелс тумани Карл Маркс посёлкасидаги масжид қурилишида иштирок этиш ёшлар қанотининг илк ташаббуси бўлди. Ёш мусулмонлар масжид қурилишини оталиққа олиб, бўш вақтларида қурувчиларга ёрдам беришяпти.

“Русия мусулмонлари” ёшлар бўлимининг асосини талабалар, мактаб ўқувчилари, тадбиркорлар ташкил этишади. “Русия мусулмонлари” мамлакатдаги биринчи исломий ҳаракатлардан ҳисобланиб, ўтган асрнинг 90-йиллари ўртасида ташкил топган. Уни Русия муфтийлар кенгаши ҳамраиси, Волгабўйи мусулмонлари Диний бошқармаси раиси Муқаддас Бибарсов бошқаради.

*Islam. Ru.*

### Шаҳзода Чарлз эътирофи

Британия тахтининг валиаҳд шаҳзодаси Чарлз Покистон пойтахти Исломободдаги Фотима Жаннат аёллар университетига борган чоғида “Одамлар дунё муаммоларини Ислом таълимотига амал қилиш орқали ҳал этишлари мумкин, чунки Ислом тинчлик ва биродарлик динидир”, деди.



Шаҳзода Чарлз, шунингдек, Жамму ва Кашмир ўлкаларида рўй берган даҳшатли зилзила муносабати билан ҳамдардлигини изҳор этди. Зилзила чоғида 73 минг киши ҳалок бўлди ва 3,5 миллион киши бошпа-

насиз қолди. Шаҳзода фожиа содир бўлган жойга ҳам борди, мамлакатнинг юқори мартабали раҳбарлари билан музокаралар ўтказди.

*KUNA*

### Миср президентининг фикрлари



Миср президенти Хусни Муборак жаҳонда авж олиб кетган Ислом билан кўрқитиш сиёсатини ва “ҳазоралар тўқнашuvi” деган сафсаталарни ўйлаб топган

айрим кучларнинг стратегиясини қоралади. “Душман излаш” назарияси, Исломга нафрат уйғотиш, унинг террорчилик билан алоқаси ҳақидаги гап-сўзлар, мусулмонларнинг табаррукотлари ва эътиқодига тажовузлар, улар муаммосини тан олмаслик, Ливан, Фаластин, Ироқ, Афғонистон, Судандаги воқеалар — буларнинг ҳаммаси минтақадаги ва бутун дунёдаги хавфсизлик, тинчлик-осойишталик, барқарорликка раҳна солади, нафрат ва аламзадаликни кучайтиради, экстремизм ва террорчилик тегирмонига сув қуяди”, деди президент Москвага ташрифи олдидан мухбирлар билан суҳбат чоғида.

*“Российская газета”*

### Сомали сармоядорларни қизиқтирмоқда

Ислом судлари Кенгаши Сомалининг анча йиллар давом этган урушлар туфайли вайронага айланган кўпгина вилоятларда тинчлик ва хавфсизлик ўрнатганидан кейин сармоядорлар маҳаллий иқтисодиётга сармоя ётқизиш имкониятлари очилаётганига қизиқиш билдиришмоқда. “Сомали иккинчи Дубайга айланиши мумкин. Бу ернинг иқлими яхши, озиқ-овқатлар арзон ва бизнес очиш учун имкониятлар тўлиб ётибди. Сомали заминида тинчлик бардавом бўлишига ишонаман”, дейди ўзининг Марказий Хитойдаги пойабзал фабрикасига тери харид қилиш учун Могадишога келган Хитой ишбилармони Ян Цзян Жон. Араб мамлакатлари, Ҳиндистон ва Хитой иқтисодиётнинг йўл қурилиши, соғлиқни сақлаш каби тармоқларига фаоллик билан сармоя ётқизишяпти.

*Islam Online*

# ҲАР БИР ЛАҲЗА ҒАНИМАТ

Ҳаж мавсумида бутун дунёдан мусулмонлар Каъбатуллоҳ атрофида учрашишади. Ҳамма баб-баробар. Бой ҳам, камбағал ҳам фақат оқ либосда. Ҳаммалари Аллоҳнинг уйига узоқ-узоқ юртлардан ошиқиб, интиқиб келишган. Беихтиёр кўзларингиздан ҳаяжонли ёшлар қуйилиб келаверади. Умрингиз, ҳар бир олаётган нафасингиз нақадар ғанимат эканини ҳис қиласиз.

Кўним топган меҳмонхонамиз ниҳоятда покиза. Ҳамма қулайликлар муҳайё. Катта-катта жўмракли идишларда замзам сувлари. Бари юракни тўлқинлантиради. Қувончимизни ифодалашга тил ожиз.

Дастлаб Мадинада Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Равзаларини зиёрат қилдик. Ажиб бир эҳтирос, тасвирга сифмас ички бир ҳаяжон ила масжидга кириб бордик. Икки ракат нафл намоз ўқидик. Бу зиёрат, Масжиди Набавийда намоз ўқиш нечоғли қимматли эканини ҳис қилсангиз, бас, ўз-ўзингиздан бу сониялар хотирангизда муҳрланиб қолади. Биз ҳожиларни бундай улкан бахтга муяссар қилган Аллоҳ таолога беҳисоб ва беадад шукроналар айтиб, қилиниши лозим бўлган амалларни юксак эҳтиром ила адо этдик. Сўнгра пешин намоз вақти киришини пойлаб ўтирдик.

Ногоҳ кўзим ёнимда ўтирган аёлга тушди. Бир оз тикилиб қолибман. Унинг аллақасери ўзбекларга ўхшарди. Аёл ҳам жилмайди. Унинг жилмайиши куч берди шекилли, билганимча арабчалаб савол қилдим. У кулимсираб туркча жавоб берди. Кейин ўзбекча сўзлаша кетдик. Исми Зулайҳо экан. Унинг ҳам биринчи ҳажи экан. Аллақандай яқинлик бизни бирпасда боғлади-қолди. Бирга пешинни ёнма-ён туриб ўқидик. Бир-биримизнинг ҳақимизга дуо қилиб, Аллоҳ учун дўст тутиндик.

Ҳажда ҳожилар учун энг қимматли нарса вақт бўлади. Ҳар бир лаҳзани ғанимат билиш керак. Чунки у ерда кечган озгина фурсатга бир неча йиллик умр мазмуни жо бўлиши мумкин. Ҳожиларни беш вақт намоз учун автобусларда Масжидул Ҳаромга олиб келишади. Сўнг яна меҳмонхонага олиб кетишади. Негадир кўнгилдагидек ибодат қилолмаётгандай бўлдик.

Ойим билан автобуста бориш-келишга кетган вақтни ҳисобладик. Кўп вақтни бой бераётган эканмиз. Шу боис Каъбатуллоҳда тунаб қоладиган бўлдик.

Туну кун Каъбатуллоҳда ибодат, тиловат, дуою зикр қилиш файзи бўлакча экан. Қаттиқ уйку босса, бир оз мизғиймиз. Сал кўпроқ ухлаб қолсак, ўз-ўзимиздан, ҳатто бир-биримиздан ҳам жиндек хафа бўламиз. Ахир Маккадаги бир ракат намоз бошқа жойларда ўқилган юз минг ракат намоз савобига эга-да!

Занжи (қоратанли) аёллар жуда ибодатли, тақволи бўлишар экан. Болаларини муздеккина ерга қўйиб бўлса ҳам, ибодатга шошилишар экан. Мендан сал нарироқда ўтирган бир занжи аёлининг боласи йиғлаб қолди. Хаёлим дарров болага кетди. Аёл зикрга шу қадар берилган, бола овозини эшитмаётган эди. Узоқ дуо қилди. Сўнг боласини эркалаб ухлатди-да, яна зикрга киришиб кетди.

Гоҳида адашиб қолмайлик дея манзил томон шошилаемиз. Гоҳида қаттиқроқ ҳаракат қилиб кўямиз. Шунда қўлимиздан кимдир тутуди. Бу ҳам бир занжи аёл бўлади. Жилмайиб, секингина: “Сабр” дейди. Хиёл ғалати бўласиз. Улар ўзларини ҳазрати Билол (розийаллоҳу анҳу) авлодидан деб билишади.

Арафотда дуолар ижобат бўлиши айтилган. Бошқа ҳожиларимиз қатори биз ҳам юртимиз, халқимиз саодатини тилаб дуолар қилдик.

**Мавжуда ОДИЛБЕК қизи,**

*Ҳадичаи Кубро номидаги Ислам ўрта-маҳсуз билим юрти мударрисаси*



Исмоил Маҳмуд МАРФИЛОНИЙ

## Файзиёб бўлмай кўнчил

## Кўнчил боғлама

Хосиятсиз теккан ул имконга кўнчил боғлама,  
Сохта шуҳрат бирла келган шонга кўнчил боғлама.

Билки тўрт кунлик умр мазмуни чин қулликдадир,  
Наф тегад деб жон чекиб, тўрт ёнга кўнчил боғлама.

Бу замин саҳни бозор деб зар-қадр ахтарма кўп,  
Ким келар, кимлар кетар, майдонга кўнчил боғлама.

Риштаси мўртдир, заифдир қанча юксалган билан,  
Хоҳ гадодир, хоҳи бек — жонга кўнчил боғлама.

Воҳ, сени бор айлаган Ҳаққа тазарру қил абад,  
Амрига айла итоат, исёнга кўнчил боғлама.

Истагил ҳар дам саодат ёлғиз Аллоҳдан фақат,  
Қил ибодат бериё, нуқсонга кўнчил боғлама.

Ҳақ йўлига дил бериб, бўзладинг, Маҳмуд, сени  
Мағфират этсин Ўзи, шайтонга кўнчил боғлама.



## Энг кўнчил

Эй кўнчил, “ман-ман” дема,  
“ман”лик Худонинг нисбати,  
Шоҳ эрур мутлақ, ки борлиқ ичра тенгсиз қудрати.

“Бўл” деди, дунё яралди зумда бир ҳукми била,  
Жо эрур ҳар заррада Тангри таоло тальати.

Не улуғ зотлар Яратган измида топди самар,  
Тут аларнинг изларин, бу саодат ҳикмати.

Ўзни йўқлик ичра кўрди авлиёлар, вожаб,  
Куймасин ҳеч банданинг охири-охирати.

Тавбалар бирла кўнчилни боғлагил, Маҳмуд, абад,  
Ажрини олгайсан охир, сўнмаса дил ҳиммати.

## Тақдири олийда бўлса

Тақдири олийда бўлса, ризку рўзинг бор бўлур,  
Ҳар қачон, ҳар ерда яхши ишларинг бисёр бўлур.

Ҳар савобу яхшиликка айлағай дохил Ўзи,  
Ажрими ҳар ишда, ҳар он Ўзидан изҳор бўлур.

Ҳар сабаб бирла зиёндан асрағай ҳикмат ила,  
Элу юрт олдида босган изларинг гулзор бўлур.

Дил ҳамиша руҳи поклар шавқидин топғай камол,  
Гойиби кўнчил уйинг раҳмат-ла ҳўб пойдор бўлур.

Беадад шукроналиғдин файзиёб бўлғай кўнчил,  
Чин ибодат бирла ўтган ҳар онинг дийдор бўлур.

Ҳақ таоло ҳар мўмин бандасин мағфур айласин,  
Кимда ихлос бўлса, Маҳмуд, охири чин ёр бўлур.

## Ҳазиний газалига мухаммас

Муҳаббат бобида ҳар дам садоқат айласанглар-чи,  
Чин вафо расмида содиқ мақомот айласанглар-чи,  
Риёзат бирла шавқ ичра қаноат айласанглар-чи,  
Қиёмат ваҳмидин Ҳаққа ибодат айласанглар-чи,  
Бу қилғон журму исёнга надомат айласанглар-чи!

Озиб йўлларда ножинслар билан, ваҳ-ваҳ, хузур этдинг,  
Жоҳилларнинг қаторинда, ажаб, сен ҳам зуҳур этдинг,  
Залолат илкида шаҳдинг ила жонга футур этдинг,  
Кириб нафсинг йўлига ончунон фиску фужур этдинг,  
Бу йўлдин қайтибон, тарки шарорат айласанглар-чи!

Гуноҳкор бандасан, ҳай-ҳайламоқлик сенга не ҳожат,  
Нажотсиз даҳри дунни сайламоқлик сенга не ҳожат,  
Ўзингни ул сақарга шайламоқлик сенга не ҳожат,  
Риё бирла ибодат айламоқлик сенга не ҳожат,  
Худонинг йўлида холис ибодат айласанглар-чи!

Қаноат бирла борингни халойиққа этиб ҳиммат,  
Таваккал айлабон тун-кун, умрдан излабон ҳикмат,  
Саодат йўлида қанча қилолсанг оз эрур хизмат,  
Агар қодир эурсан, Маккагуллоҳга қилиб ҳижрат,  
Қатори ҳожилар бориб, зиёрат айласанглар-чи!





Юрак ҳар дам уриб имон каломида бутун, дўстлар,  
Кўнгилда қолмайин зарра гумон, шубҳа, тугун, дўстлар,  
Дуолар айлабон мўмин-мусулмонга бу кун, дўстлар,  
Тутиб амри Худони икки кунлик умр учун, дўстлар,  
Кириб Маҳшар куни жаннатга, роҳат айласанглар-чи!

Ўғирдинг аҳли дилдан юз, ёмонга интилиб зое,  
Фирибгар нафс тиғи бирла дилингни сен тилиб зое,  
Бу ҳолингни гаҳе билмай, гаҳе қилдинг билиб зое,  
Югурдинг дарбадарлик бирла умринг қилиб зое,  
Аё, эй яхшилар, тарки жаҳолат айласанглар-чи!

Ғанимат ҳар нафас, Маҳмуд, қилиб зикрини сен одат,  
Муножот айлагил Ҳаққа, дилингда ишқ эрур оят,  
Тухфа айла уни Ёрга, ғанимат ушбу дам — соат,  
Ҳазиний, бу йигитлик вақти ўтмасдан қилиб тоат,  
Қарилиғ вақти этмасдан ибодат айласанглар-чи!

*Марғилон*



**Асрор МЎМИН**

## *Исмингни айтиш бахтим*

*Мўъжиза*

Нух қавмини қаттиқ ушлади тўфон,  
Осийлар қалаган гулханлар ўчди.  
Иккига ажралди пишқирган уммон,  
Расулulloҳ Арши Аълога учди.

Қушчага айланди оддий парча лой,  
Қўлларда хамирдай қорилди темир.  
Иккига бўлинди порлоқ тўлин ой,  
Ўлганларга қайта берилди умр...

Қанча мўъжизалар кўрсатди Аллоҳ,  
Ҳануз келтирмайди мушриклар имон.  
Кимки ҳақ йўлдадир — топади паноҳ,  
Адашганни азоб ушлар беомон.

*Севги*

Фироқда аҳволим ночордан ночор,  
Фалакка ўрлайди фиғонимдан дуд.  
Шукр, танимда нур, кўнгилда ишқ бор,  
Не учун бунчалар бўлдим ноумид?

Билдим ёлғизликда топилмас имкон,  
Наҳотки кўйида қолсам интизор.  
Аллоҳ қудратига келтириб имон,  
Сенга муҳаббатим айладим изҳор.

Балки умр бўйи чекарман жафо,  
Бошимда айланар тегирмон тоши.  
Тирикман, амалим ишқингга вафо,  
Тирикман, ботмайди ишонч қуёши.

Кулга айланмайин ҳижрон доғида,  
Мени жудо этма севиш аҳдидан.  
Бенасиб қилмагин рамақ чоғида  
Исмингни пичирлаб айтиш бахтидан!

\*\*\*

Агар Ҳақ йўлига келтирсанг имон,  
Аҳдингда собит бўл, огоҳ бўл ҳар он.  
Чунки тўғри йўлдан тойдирмоқ учун  
Минг бир қиёфада чалғитар шайтон.

\*\*\*

Мабодо бахт кулиб, қучсанг шон-зафар,  
Барча дейди: “Сенга бўлганмиз ғамхўр”.  
Агар юрак-бағринг кемирса кадар,  
Бунга айбдор ўзинг, қилмишингдан кўр.



\*\*\*

Ўткинчи дунёда топгунча сени  
Қанча кўчаларда адашиб юрдим.  
Топганимда, нима жин урди мени,  
Ўзимни айрилиқ даштида кўрдим.

Синов-чиғириқдан ўтказди ҳаёт,  
Юнус сурасини уқдим ниҳоят.  
Шунчаки берилмас ажр-мукофот,  
Астойдил тавбада экан ҳидоят.

Йиғиб олдим ақл-хушимни бугун,  
Висолга етишмоқ йўлин билурман.  
Нафсимни оловдан қайтариш учун  
Юнус қавми каби тавба қилурман.

*Тошкент*

# НЕЪМАТЛАР ИЧРА НЕЪМАТ

## Мени кечиринг

Одам неъмат қадрини уни йўқотганидан сўнг билар экан. Кўп ҳолларда арзимаган гам-ташвишлар, йўқотишларни катта мусибат билиб, неъматнинг ганиматлигини дилдан ҳис қилмагунча, ношукрлик қилаверамиз.

Бошимга тушган ташвишлардан гангиб, юрагим сиқилиб, асосий вазирамдан чалғиб, иккинчи даражали ишлар билан машғул бўлиб борардим. Ичимга чироқ ёқса ёришмас, ҳамма нарса маъносиздек туюлар эди. Ҳеч ким, ҳатто онам ҳам, болаларим ҳам мени тушунмайдиларди, деб ўйлардим, гўё мендан бахтсиз одам йўқдай.

Рамазон яқинлашган эди. Шундай кунларнинг бирида

қаттиқ сиқилиб, уйга келдим. Катта ўғлим уй ишларини қилиб, укасини овқатлантириб ўтирган экан. Унинг ёр-

**“Раббингиз, Унинг Ўзигагина ибодат этишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Эй инсон,) агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига етсалар, уларга “уф!..” дема ва уларни жеркима! Уларга — доимо) ёқимли сўз айт! Улар учун, меҳрибонлик билан, хорлик қанотини наст тут ва (дуода): “Эй Раббим! Мени (улар) гўдаклик чоғимда тарбиялаганларидек, Сен ҳам уларга раҳм қилгин”, деб айт!” (Ал-Исро, 23-24).**

дамчи бўлиб қолгани ҳам, кичик ўғлимнинг эркаланиб ёпишиши ҳам юрагимга сиймай, тўғри хонамга кириб кетдим. Болаларим бари ҳайрон. Ўзимнинг уларга раҳмим келди. “Отаси йўқлигига яраша, ҳеч бўлмаса мен жигарбандларимга меҳрибонлик қилишим керак эмасмиди?”

Бирдан ичимда қаттиқ оғриқ турди. Оёғимдан тортиб, кўлларимнинг учигача зирқирарди. Худди тўлғоқ азобидек дам кучайиб, дам пасайиб, оғриқ зўрая бошлади. Ичимни кимдир пичоқ билан тилкапора қилаётгандек. Оғриқ кучига чидай олмай додлаб юборибман. Болаларим кўрқиб, югуриб келишди. “Ойижон, сизга нима бўлди?” дейишди. Ўшандаям, бу бечораларни

юпатиш ўрнига: “Мана, сизлар жавратаверганларингга мазам қочиб қолди”, дебман. Оғриқ зўрайди. Катта ўғлим дорихонага югурди. Бечора, бошқа пайтлар ярим соат сарфлайдиган жойга, беш-ўн дақиқада бориб келди.

Ўлиб қолсам керак деб ўйладим. Шунда, ҳа-ҳа, ўлимни эслашим билан кўзим ярқ этиб очилгандай бўлди. Гўё узоқ уйқудан уйғонгандек, миям тез ва соз ишлаб кетди. Бир зумда бутун ҳаётим кўз ўнгимдан ўтди, агар ҳозир, шу топда ўлиб кетсам, бу дунёдан ҳеч нарса қила олмай ўтиб кетишимни, у дунёга қуруқ қўл билан боришимни тушуниб, даҳшатга тушдим. Отам ўтдилар, розилиklarини олиб қололмадим, онамни ҳам кўп хафа қилганман. Кўпинча “Мени тушунмайсиз”, деб дилларини оғритардим.

Ўғилларимга “Мендан кейин кўпроқ Қуръон ўқинглар, намозларни қолдирманг-



лар... бувинг билан тоғаннинг измида бўлинглар”, деб йиғлаб, тинмай шаҳодат калимасини айтардим. Пушаймонлик, алам, армон ёшлари кўзимдан, юрагимдан қуйилар эди.

Шу ҳолатда устозимга телефон қилиб, нолойиқ шогирд сифатида дилларини оғритган бўлсам, кечириларини сўрадим. У киши эса жуда гўзал танбеҳ бердилар: “Мусулмон одам, ҳар қандай ҳолатда ҳам умидсизликка тушмаслиги керак. Куръони карим тиловати шифо эканини унутдингизми? Ахир Куръон ўқишни биласиз-ку!”

Ўзимга ўзим: “Аллоҳ сенга ажойиб илм — Куръон ўқиш неъматини берган бўлса-ю, ундан фойдаланмасанг” дея ичимда Фотиҳа сура-сини тиловат қила бошладим.

Кейин ўғлимга: “Ёнимда Куръон ўқиб ўтир, мабодо ажалим етган бўлса, Куръон тиловатини эшитиб, калима қайтариб, имонли ҳолимда кетишни хоҳлайман”, дедим. У Куръон ўқиса оғриқ пасаяр, тўхтаса яна авжига олар эди. Шунда...

Ёшли кўзлари мўлтиллаб турган икки боламга қараб, шуларга кераклигимни, ҳали на бандалик, на фарзандлик ва на оналик бурчимни қойиллатолмаганимни тушундим. Неъматлар ичида яшаб туриб, уларни таниб олмаганимдан уялиб кетдим. Мени ногирон қилиб қўймади, тўрт мучамни соғ қилди. Етим қилмади, меҳрибон, обрў-этиборли ота-онанинг фарзанди этди. Тирноққа зор қилмади,



гулдек фарзандларни бериб, оналик бахтига эриштирди... Шуларни ўйлаб, Аллоҳга ҳамд айта бошладим.

Шу пайтда жудаям онамни кўргим келди. Укамга:

**Ҳазрати Алидан (розийаллоху анху) ривоят қилинади: «Расулulloҳ (соллаллоху алайҳи ва саллам): “Кимки ота-онасининг ҳақини адо эт-маса, мен бундай одамлардан узоқда бўл-ман” (яъни, менинг шафоатимдан баҳраманд бўлмайдилар). “Уларга (яхшилик қилиши учун) унинг моддий ҳеч нарса-си бўлмаса-чи, эй Расулulloҳ”, деб сўрадим. “Агар уларнинг сўзлари-ни эшитса, қулоғим сизда, хизматингиздан, десин ва ҳеч қачон уларнинг сўзларига “уф” (ма-лоллик) демасин, уларни жеркимасин. Уларга фақат гўзал сўзлар айтсин”, дедилар».**

“Аямни олиб кел”, деган эдим, ўзи келиб мени олиб кетди. Онамга кўзим тушиши билан онам бу дунёдаги энг улуғ неъматим эканларини тушундим. Менинг бу дунёдаги жаннатим, мана у, онамнинг оёқлари остида...

“Кечиринг, онажон, дилингизни кўп оғритганман, яхши фарзанд бўлолмадим, мен сизни тушунишим кераклигини билмабман. Мени кечиринг...” дея ҳолсиз пичирладим.

Оғриқ пасая бошлади. Отамнинг уйида, онамнинг бағрида, болаларим ёнида ётар эканман, руҳим тетик, қалбим хотиржам эди.

**МАЛОҲАТ,**  
Кўқон шаҳри

### Ёмон гапнинг офати

Бу воқеага унча кўп бўлгани йўқ...

Ишга кетаётсам, кўча му-юлишида бир дўстимнинг ўғилчасига кўзим тушди. Негадир безовта эди. Қулоқларини кафтлари билан беркитганича, нарироқда баҳс-лашаётган кишиларни куза-тиб турарди...

Унга яқин бориб сўрадим: — Шукруллоҳ, тинчликми болам? Битта-яримта безори боладан хавотирда-мисан?

— Йў-ўқ, анави кишиларнинг ол-дидан ўтолмаяп-ман, — деди.

— Нега?

У бошини чай-қаб, нигоҳини ер-га тикди, кўзига ёш олди. Ҳалиги одамларга яқин боргач, унинг аҳ-волини, масала мо-ҳиятини англадим.

Улар шунчалик бепарда сў-киниб гаплашмоқда эдики, эшитса, илон ҳам пўст таш-лаши шубҳасиз.

Шу куни мен ишдан, Шукруллоҳ ўқишдан кеч қолдик. Оғзига эгалик қила олмайдиган кишиларнинг бадбўй гапларини эшитгани-миздан кўра, иккимизга ҳам кечикканимиз учун айтилган танбеҳ минг бора афзал эди.

**Суюндик МУСТАФОЕВ,**  
Нурота

# «ҲАЙРАТУЛ ФУҚАҲО»

Аллома боболаримиздан муфтий Алоуддин Умар ибн Мавлоно Садриддин ал-Бухорий XIII-XIV аср-ларда яшаб ижод этган ва Бухоро қозиси бўлган. Унинг ҳаёти тўғрисида маълумотлар деярли сақланиб қолмаган. Фикҳий масалаларга доир “Ҳайратул фуқаҳо ва хижлатул фузало” номли асаригина бизгача етиб келган. Муаллиф мазкур китобини 695



(1296) йили таълиф этади ва Бухоро фақиҳлари томонидан ўрганиб чиқилганидан сўнг уни Насруллоҳ ал-Ғозий Наврўзбекхонга бағишлайди.

“Ҳайратул фуқаҳо ва хижлатул фузало” асарида икки ярим минг фикҳий масала ўрганилган. Масалалар савол-жавоб тарзида берилган. Асарни ёзишда юздан ортиқ манбадан фойдаланилган. Унда фикҳнинг деярли барча фаръий масалалари қамраб олинган ва улар ўттиз етти бобга жамланган. Таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га оид, никоҳ, маҳр, талоқ, қулларни озод қилиш, олди-сотди, пул муаммолари, ижара, гувоҳлик, қасамлар, ҳомийлик, мерос, меросни тақсимлаш, қурбонликка сўйиладиган жонзот ва қурбонлик қилиш ҳақида, шариатга зид ёмон нарсалар, тақиқланган ичимликлар, овчилик, гаровга бериш, жиноятлар, хун ҳақи тўлаш, васият ва шунга ўхшаш бошқа масалалар бор. Бундан ташқари, асардан турли ибратли ҳикоялар ҳам ўрин олган.

Асар муқаддима ва икки қисмдан иборат бўлиб, фатволар бобларга ажратилган. Аммо боблар тартибсиз тарзда берилган. Ҳар бир масала сўнгида фатво қайси манбадан олингани кўрсатилган.

“Ҳайратул фуқаҳо”нинг яна бир ўзига хос услуби шундаки, ҳуқуқий масалаларнинг ечими дастлаб фикҳ илмининг йирик олимлари фикрларининг баёни ва унга бошқа муаллифларнинг эътирозлари ёки қўшилишларини изҳор этиш йўли билан берилган. Ана шу

обрўли фақиҳлар фикрларидан келиб чиқиб, муайян ҳуқуқий масалаларда энг маъқул ечимни танлаб олиш йўлига амал қилинган. Аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, масалаларда икки имомнинг, яъни Имоми Аъзам ва Имом Шофеъийларнинг фикрлари келтирилиб, икки мазҳаб соҳибларининг фикрлари таққосланади.

Ўрни келганида муаллиф нуқтаи назари ҳам билдирилган. Бундан ташқари Абу Ҳанифанинг шогирдларидан Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадларнинг ҳам фикрлари келтирилади. Баъзи масалаларда Имоми Аъзам ва Имом Муҳаммад бир хил фатвода тўхталишади, аммо Абу Юсуф бошқа фатвони айтиб, ўз фикрини исботлашга ҳаракат қилади. Муаллиф ҳам бу фикрларни ўрганиб чиқиб, қайси фатвони олиш кераклигини кўрсатиб ўтган ва фикрини далиллашга ҳаракат қилган.

Алоуддин Бухорий ихтиёр қилган мазҳабининг далилини мавзу охирида келтирган. Чунки “Натоижул афкор”да айтилишича: “Мусаннифга одат бўлган нарса шуки, улар турли фикрларга далил келтириладиганида энг кучлисини кечроқ зикр этадилар. Бу билан кейинги далил аввалгисига жавоб ўрнига ўтади”.

Муаллиф баъзи масалалар ва уларнинг ечимини берганидан сўнг бу масала қайси ҳудудда содир бўлганини айтади. Яна баъзи масалаларни келтирганидан кейин айнан шу масалага бухоролик фақиҳлар қандай фатво берганларини кўрсатиб ўтади.

Асардаги масалалар ва фатволар форс тилида, уларнинг шарҳи араб тилида ёзилган. Асарда оят ва ҳадислардан кенг фойдаланилган. Кўпгина масалаларга изоҳ сифатида турли ривоятлар келтирилган. Баъзи бир фатволар назмий усулда ифодаланган.

Асарнинг қимматли жиҳати шуки, муаллиф ўз даврида мавжуд бўлган турли хил

# ХОЖАИ ОМОН

ривоятларнинг тўғри ёки нотўғри эканини ажратиб чиққан. Яъни, саҳиҳ ривоятларни келтириш билан бирга, ёлғон ривоятларни ҳам асари таркибига киритган ва ҳикоянинг сўнгига: “Бу ҳикоя ғариб” деб ёзган.

Худди шунингдек, фатволарни ҳам ажратиб чиққан. Бир фатвои бературиб: “Бу халқнинг орасидаги фатво, яъни халқнинг ўзи тўқиб чиқарган фатво”, дейилади ва “уламоларимизнинг бу масалага берган фатволари куйидагича”, деб мужтаҳид олимлар ижтиҳод қилган фатвои келтиради.

Мазкур асар диёри-мизда ва бошқа ўлкаларда кенг тарқалган. Биргина Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кўлёмалар фондида асарнинг ўн битта кўлёмза нусхаси сақланмоқда. Унинг бир нусхаси университетимиз кутубхонасида мавжуд. Бироқ Алоуддин Бухорий ва унинг “Ҳайратул фуқаҳо” асари ҳали кўпчиликка яхши маълум эмас. Шунинг учун бу қимматли манба кенг тадқиқ қилинса, халқимизга яна бир дурдона асар тақдим этилган бўлади.

**Лобар АСРОРОВА,**  
Тошкент Ислам университети  
магистранти

Ургут шаҳрининг Торинжак маҳалласида Хожай Омон зиёратгоҳи бор. Хўш, Хожай Омон ким бўлган?

Бу зот Балхда таваллуд топган бўлиб, асл исми Муҳаммад ибн Фазлдир. Абу Тоҳирхожа “Самария” асарида Самарқанд туманларида сақланиб қолган мазорлар тўғрисида маълумот бераркан, бундай ёзади: “...Яна бир мазор Хожай Омон мазоридир. Бу фойзосор мазор Ургут кентининг бир маҳалласидадир”.

Алишер Навоий Хожай Омон ҳақида бундай хабар беради: «Муҳаммад ибн Фазл иккинчи табақадандур. Лақаби Абу Абдуллоҳ Балхиюл асл. Мутаассиблар уни Балхдин чиқардилар, бегуноҳ, мазҳаб жиҳатидан. Абу Усмон Ҳирий анга нома битибдурки: “Шақоват (яъни бадбахтлик) аломати недур?” Ул айтибдурки: “Уч нимарсадур — бири улки, кишига илм бергайлар-у, амал тавфиқи бермагайлар ва яна амал бергайлару, ул амалда ихлосдин маҳрум қилгайлар. Ва (учинчи) Ҳақ субҳонаҳу ва таоло дўстлари суҳбатин топқа-ю, икром ва эҳтиром тариқин бажо келтирмагай”»<sup>1</sup>

Алишер Навоийнинг Муҳаммад ибн Фазл ҳақидаги яна бир маълумоти бор: “Али ибн Бундор ибн Ҳусайн сўфий Сайрафий машоих

дийдорларидин баҳраманд ва суҳбатларидин аржуманд эрмиш. Нишобурда Абу Усмон Ҳирий ва Самарқандда Муҳаммад Фазл Балхий била суҳбат тутубдур”.

Шайх Абу Усмон Ҳирий ўз дўсти ҳақида лутф қилиб: “Муҳаммад Фазл фазилатли кишиларнинг қадрини билувчи эди”, деган экан.

Муҳаммад Сиддиқ Рушдий “Тазкиратул авлиёи туркий” асарининг эллик олтинчи зикрида: “...Ул гулистони ишқу ақд Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл Хуросон машоихларининг улуғларидин эди. Саховат ва жавонмардликда ҳам тенги йўқ эрди. Шайх Термизийни кўрган, Аҳмад Хадравайҳнинг муриди эди... ва шайх Муҳаммад Фазл Балх халқидин тўла жафолар тортгон эрди ва Балхдин қувиб чиқардилар. Ул вақтда Муҳаммад Фазл дедиким: “Худовандо, бу халқдин сидқни ва ростликни олиб кўйгил. Андин кейин Балхдин сидқ аҳли чиқмади”, деб ёзади.

Келтирилган ушбу маълумотлар Ургутнинг Торинжак маҳалласида хоки сақланаётган шайх Абу Абдуллоҳ Муҳаммад Фазл эканини, у зот IX асрнинг иккинчи ярми, X асрнинг биринчи чорагида Балх ва Самарқандда яшаб ўтган улуғ мутасаввиф аллома бўлганини кўрсатади.


**Бадриддин РАҲИМОВ,**  
Тошкент Ислам университети  
2-босқич талабаси

<sup>1</sup>Алишер Навоий. “Мукаммал асарлар тўплами”, 17-жилд. “Фан”, 2001, 83-бет.



# "АЗҲАР" ТАРИХИДА МУҲИМ ДАВР

*XIX аср охири XX аср бошларида ислоҳчилик ҳаракати*



XIX аср охирларида анъанавий тартиб ва йўл-йўриқларга асосланган Миср таълим муассасаларида ўқиш-ўқитиш замон талабаларига жавоб беролмай қолди. Янги-янги тадқиқотлар ва илмий муқоясалар ўрнига ўтмиш меросини такрорлаш ва оддийгина эсга олиш илм дейиладиган бўлди. Кўпчилик уламолар замонавий илмлар аҳамиятини етарлича тушуниб етишмади. Бу вазиятни инобатга олиб, Муҳаммад Абдуҳ ва унинг тарафдорлари, "Азҳар" дорилфунунида ислоҳот ўтказиш мусулмонлар ўртасида янги ғояларни ёйиш учун асос бўлади, деб ҳисоблашди.

"Азҳар"ни ислоҳ қилиш бўйича илк лойиҳа муаллифи Мустафо Арусий эди. 1864 йили у "Азҳар" ректори этиб сайланади. Бир йил ўтиб бу ўқув даргоҳини қайта қуришнинг йигирма етти банддан иборат лойиҳасини муҳокамага тақдим этади. Булардан фақат тўрттасигина бевосита таълим жараёнини ўзгартириш муаммолари билан боғлиқ эди. Тўртинчи бандда бирон-бир курсни ўқишда янги асар ёки ўқув қўлланмасидан фойдаланиш учун мударрис ректордан рухсат олиши кераклиги кўрсатилиб, мударрис ўз касбига лойиҳа эканини белгилловчи синовдан кейингина ўқитиш ҳуқуқини оларди. Бешинчи бандда эса, шайх, устоз-талабаларнинг дарсларни ўзлаштириши устидан назорат қилиши ва ўқитишни тушунарли услубда олиб бориши кераклиги кўрсатилган<sup>1</sup>.

Арусий лойиҳасининг асосий мақсади университетнинг ички ҳаёти ва жамоат ишларини ректорга бўйсундириш эди. Бу таклифнинг амалга ошиши бўлим ва мазҳаб бошлиқларининг маъмурий ҳокимиятини чеклашга олиб келарди. Шунинг учун Арусийнинг бу ҳаракатлари қаттиқ қаршиликка учради. 1870 йили Мустафо Арусий мансабидан четлатилди. Лекин ўз касбини яхши эгалламаган шахсларга мударрислик қилиш ман этилгани ва эътиборни жалб этиш учун Куръонни банд овоз билан ўқиш амалиётини таққиловчи қонун киритилгани у ректорлик қилган даврдаги энг катта ютуқлардан бўлди.

Арусийдан кейинги ректор шайх Аббосий Маҳдий ҳам университетни ислоҳ қилиш борасида бир қатор ички тадбирлар ўтказди. 1872 йили университет ректорлигига номзодни ёш жиҳатидан эмас, балки ишчанлик сифатлари, билим даражаси ва қобилиятидан келиб чиққан ҳолда сайлаш тамойили киритилди. Университетни тугатганлик ҳақидаги гувоҳномани бериш иши ҳам тартибга солинди. Шундай қилиб, анъанавий ўқитиш тизимининг баъзи жиҳатлари ўзгарди, яъни, толиблар ўқиш даврида фақат биргина курсни ёки маълум бир асарни ўқиб тугатиш билангина кифояланишига чек қўйилди. 1872 йилдаги ҳукумат қарори билан ўқитувчиликка номзод шахс иккита фандан имтиҳон топшириши шарт деб белгиланди.

Муҳаммад Абдуҳ тарафдорлари "Азҳар"ни ислоҳ қилишнинг аниқ ва кенг кўламли дастури билан чиқишди. Бу дастур университет таркибини, ўқитиш услубини ўзгартириш, махсус факултетлар ташкил қилиш, замонавий фанлар бўйича янги курслар режага киритиш ва бошқа бир қатор тадбирларни ўз ичига олган эди. Бир қанча уринишлардан сўнг, Абдуҳ ислоҳотларни ўтказиш зарурлигига ҳукуматни ишонтира олди. 1895 йили "Азҳар"нинг маъмурий кенгаши тuzилди. Бу кенгашга университет ректори ва тўрт мазҳаб манфаатларини ифодаловчи тўрт муфтий аъзо бўлди. Кенгаш ўқув жараёнини назорат қилар, университет ичида ислоҳот ўтказиш бўйича кенг ваколатларга ва давлат бюджетидан анча сармояга эга эди. Кенгаш раиси этиб шайх Ҳасун Нававий тайинланди. Лорд Кромернинг фаол ҳаракати туфайли Муҳаммад Абдуҳ кенгашга ҳукумат вакили сифатида киритилди ва унинг

бошқарувини қўлига олди. Ўша йили Танта шаҳридаги “Аҳмадия” мадрасаси, Дисук ва Думятдаги мадрасалар ҳам “Азҳар”га бириктирилди. Шундай қилиб, “Азҳар” диний таълим тизимида бошқарув марказига айланди.

Хассун Нававий ректорлик даврида ислоҳчилар таклифини ҳаётга татбиқ қилиш борасидаги ишлар, айниқса, ўқув дастурини замонавий фанлар ҳисобига кенгайтириш қаттиқ норозиликка учради. 1905 йили шайх Али Баблави ректор бўлгач, вазият анча муътадиллашди. Лекин хедив Аббос Ҳилмийнинг ошкор кўмаги билан Баблави ишдан четлатилиб, Шуайний ректор бўлди. Ҳилмий ислоҳчилар фаолиятини кескин танқид қилди. “Ал-Азҳар Мисрда ва барча араб мамлакатларида илоҳиёт фанларини ёйиш учун мусулмон диний мактаби сифатида ташкил қилинган эди... Лекин, афсуски мен унда шахсий масалаларни диний масалалар билан ва тартибсизликларни фан билан қориштираётган кимсаларни кўрдим”<sup>2</sup>, деди у.

Абдурахмон Шуайний Абдуҳ ва унинг ҳамфикрларини танқид қилди. Давомий зуғумлар натижасида Муҳаммад Абдуҳ маъмурий кенгаш таркибидан чиқарилди. Бу воқеа 1905 йилнинг 19 мартда, вафотидан тўрт ой олдин содир бўлди. Шунга қарамай Муҳаммад Абдуҳ ва унинг издошлари таълим тизимига янгилик киритишда сезиларли натижага эришдилар. Пухта ўқув дастури билан университет мақомига ўтган “Азҳар”даги ўзгаришлар натижасида ислоҳотлар муҳим аҳамият қасб эта бошлади. Ўқитиш услубини қайта кўриб чиқиш борасида Муҳаммад Абдуҳ томонидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг анчагина қисми унинг вафотидан кейин амалга ошди. 1908 йили қабул қилинган қонунга кўра, университет дастурига математика, геометрия, алгебра, география, жамиятшунослик, адабиёт ва бошқа фанлар киритилди. Ушбу фанлардан маъруза ўқиш учун дунёвий ўқув муассасалари ва ҳукумат мактабларидан мутахассислар таклиф қилинди. Бу фанлар мажбурий бўлиб, диплом олиш учун улардан имтиҳон топшириш шарт эди.

Амалга оширилган муҳим тадбирлардан яна бири эски қўлланмаларни янгилари билан алмаштириш бўлди. Фойдаланиб келинаётган китобларнинг кўп қисми IX-XV асрларга оид эди. Университет кутубхонаси ҳам тартибга солинди. Кутубхона янги араб ва Оврупа нашрлари билан тўлдирилди.

Ўқув жараёнида ҳам анча ўзгаришлар юз берди. Олдин талабалар имтиҳон топширмай, мударрисларнинг тавсияси билан ўқишни битирган бўлишса, энди йиллик имтиҳонлар ҳамда яхши ўзлаштирган талабаларга мукофотлар жорий қилинди. Мударрисларнинг синовдан ўтиб туришлари ўқитиш тизимининг янада самарали бўлишига олиб келди.

Мударрис ва талабаларнинг яшаш шароитла-

ри яхшиланди. Университет қошида муҳтож ўқувчилар учун шифохона очилиб, пулсиз даволаш йўлга қўйилди. Мударрисларга маош улар ўқитаётган курс, илмий даражаси ва малакасига қараб тайинланадиган бўлди.

Муҳаммад Абдуҳ ва тарафдорлари дунёвий билимларга маълум даражада йўл очиб бердилар. Бу соҳада ўтказилган тадбирлар (1895-1911) диний мактаб ва замон талаблари ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилишда ёрдам берди. Уларнинг маърифатпарварлик борасидаги яна бир муҳим иши араб адабий тилини янги истилоҳ ва тушунчалар билан бойитиш бўлди. Тилшунослик тарихини ўрганадиган, қўлланмалар ва луғатлар тузадиган, филология соҳасида илмий изланишлар олиб борадиган махсус тадқиқот марказини — Араб тили академиясини ташкил қилиш кераклигини ёқлаб чиқдилар. Ислоҳчилар фикрича, бу академия араб тилини ўқитиш услубиятини қайта кўриб чиқишда асос бўлиши керак эди.

1889 йили Қоҳирада “Араб китобларига қизиқиш уйғотиш жамияти” ташкил қилинди. Бу жамиятга ҳам Муҳаммад Абдуҳ бошчилик қилди. Жамиятнинг ташкил қилиниши ва унинг Муҳаммад Махдум Шанқитий каби аъзоларининг фаолияти лингвистик муаммоларни ўрганиш ишларини жонлантиришга ва тилшунослик соҳасида кўпгина илмий асарлар нашрини жадаллаштиришга ҳиссасини қўшди<sup>3</sup>.

Ислоҳчилар доим нотиклик санъати аҳамиятини кўрсатиб ўтишган. Муҳаммад Абдуҳ мударрислик ва тарғиботчилик фаолияти тажрибасига таянган ҳолда шу хулосага келади: “Ўқиб эса қоладиган сўздан кўра, эшитган сўз қалбда катта из қолдиради. Нотикнинг мушоҳадаси, унинг ҳаракати, нутқи — буларнинг барчаси фанни тушунишга ёрдам беради”<sup>4</sup>. Муҳаммад Абдуҳ “Қуръонга изоҳлар” асарига нотиклик санъати назариясини фан сифатида ажратиб кўрсатади ва, жамиятнинг ҳар бир ўқимишли аъзоси уни эгаллаши лозим, дейди.

Абдуҳ ва унинг ҳамфикрлари таъкидлашларича, араб тили омма орасида тушунарли бўлиши учун, ўқитишнинг содда ва осон шакллари ни ишлаб чиқиш тарғибот ишида самарали восита бўлиб хизмат қилади. “Тилимизни ислоҳ қилиш, — деб ёзади Абдуҳ, — эътиқодларимизни қайта кўриб чиқишга йўл очади”<sup>5</sup>.

Ислоҳчилар она тили устида ишлаш зарурли-

1. Marsot A. The Beginnings of Modernization among Rectors of al-Azhar, 1798-1879, Chicago, 1969, p.273.

2. Амин Аҳмад. “Зуама ал-ислаҳ фил аср ал-ҳадис”, Қоҳира, 331-бет.

3. Амин Аҳмад. Ўша асар, 341-бет.

4. Муҳаммад Абдуҳ, “Дурус мин ал-Қуръон ал-карим”, Қоҳира, 1959, 8-бет.

5. Муҳаммад Абдуҳ. Ўша асар, 21-бет.

гига эътибор бергани ҳолда, ғарб тилларини эгаллаш ҳам мумкин эканини эсдан чиқармадилар. Чунки ғарб тилларини эгаллаш орқали ғарб маданияти ютуқлари билан яқиндан танишиш мумкин. Бу борада Абдуҳнинг бир иборасини эслаш жоиз: “Кимда-ким лоақал битта ғарб тилини билмаса, у асримизда ҳеч қачон олим бўла олмайди”<sup>6</sup>.

Ислоҳчилар ўзларининг маърифатпарварлик ғояларини газета саҳифаларида фаол тарғиб қилар эдилар. 1898 йили Муҳаммад Абдуҳнинг ташаббуси билан ҳафталик “Ал-Манор” журнали таъсис этилди. Унинг бош муҳаррири этиб Рашид Ризо тайинланди. Журналнинг катта қисми “Маърифат ва тарбия” деб номланди. Журнални нашр қилишдан асосий мақсад ислоҳчилик ғояларини нафақат Мисрға, балки Мисрдан ташқарига ҳам ёйиш эди. Журнал ўқувчилари Шимолий Африка, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатларда мавжуд эди. Унинг саҳифаларида илоҳиёт масалаларига, мусулмон ҳуқуқи, тарих, тилшунослик, адабиётга бағишланган мақолалар чоп этиларди.

Миср ислоҳчиларининг маърифатпарварлик тadbирлари диний доирада ўтказилар, шакл жиҳатидан “соф” Исломга қайтиш ҳаракати каби ифодаланар эди. Улар маърифатпарварлик ғояларини биринчи навбатда диний илмларни ёйиш зарурати билан боғлашар эди.

**Абдуқаюм АЗИМОВ,**  
Имом Бухорий номидаги  
Тошкент Ислом институти  
ректори, доцент

6. Абд ар-Розиқ Мустафо. “Ал-устаз ал-имам Муҳаммад Абдуҳ”, Қоҳира, 1959, 39-бет.

# ДЎЛАНА ХОСИЯТЛАРИ



Дўлана меваси таркибида йигирма фоиз қанд, саккиз фоиз ёғ, ошловчи моддалар, каротин, органик кислоталар, шунингдек, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, РР, С, Е, каби дармондорилар мавжуд.

Дўлана гули ушбу моддалардан ташқари, эфир мойиларига ҳам бой. Абу Али ибн Сино айтишича, дўлана сафрони сўндиради, суюқликлар оқишини бошқа меваларга қараганда



кучлироқ тўхтатади, ич кетиши, сийдик тутилишини бартараф қилади. Табобатда дўлана жисмоний ва ақлий толиқиш, уйқусизлик, юрак оғирлиги, парিশонхотирлик, юқори қон босими, бош айланиши, йўтал каби хасталикларни даволашда қўлланади.

## Фойдали маслаҳатлар

1. 20 гр. дўлана меваси устидан 200 мл. қайноқ сув солиб (қопқоқли сирли идишда), паст оловда ўн беш дақиқа қайнатилади. Совутиб қайнатмадан 50-100 гр.дан ичилса, қон босимини туширади, юрак атрофидаги оғриқни қолдиради.

2. Куритиб, майдаланган дўлана гулидан икки ош қошигини сирли идишга солиб, устига 200 мл. қайноқ сув солиб, паст оловда ўн дақиқа қайна-

тилади. Совугач, сузиб олинди ва кунига уч маҳал овқатдан олдин бир ош қошиқдан ичилади. Бу малҳам юракка дармон беради, асабларни тинчлантиради.

3. Дўлана мевасидан хонаки қиём тайёрлаш учун 25 гр. дўлана меваси устига 200 мл. қайноқ сув куйиб, бироз куюлгунича қайнатилади. Ҳосил бўлган қиёмсимон моддадан кунига уч маҳал овқатдан сўнг қирқ томчидан ичилади.

## Эслатмалар

1. Дўланани оч қоринга истеъмол қилмаслик керак, чунки бу ҳолда у ичакларни қисиб, кўнгилни айнитади.

2. Дўлана еб, устидан совуқ сув ичиш мумкин эмас, акс ҳолда у ошқозон-ичак санчиғига сабаб бўлади.

3. Дўланани меъёрдан ортиқча истеъмол қилиш буйракка зарарли, ошқозон-ичакни заифлаштириб, қуланж (колит) хасталигига, кўнгил айнашига сабаб бўлиши мумкин.

4. Дўлана қайнатмаси, дамламаси, қиёми билан даволанишнинг фақат мутахассис маслаҳати ва назорати остида амалга ошириш керак.



**Сафар  
МУҲАММАД**